БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 160 (1422)
15 АВГУСТ ШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Н. С. Хрушчев ва К. Е. Ворошиловнинг табрик телеграммаси

Миллий байрам — Корея озод қилинган кунининг 14 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 14 августда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси Ўртоқ Ким Ир Сенга ва Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси Ўртоқ Цой Ен Генга табрик телеграммаси юбордилар.

Телеграммада ишонч билдириб айтиладики, СССР ва Корея Халқ-Демократик Республикасининг пролетар интернационализми принципларига асосланган, бузилмас қардошларча дўстлик воситалари билан боғланган халқлари бундан буён ҳам бу дўстликни мустаҳкамлайдилар, тинчлик ва социализм иши манфаатларини, бутун социалистик лагернинг бахт-саодатини кўзлаб, мустаҳкам ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтирадилар ва қучайтирадилар. (ТАСС).

ЁШ МУТАХАССИС

Қайси цех, қайси завод ва қайси комбинатга борманг, колхоз ва совхоз далаларини айланманг, ҳалоллик билан меҳнат қилаётган, партия ва ҳукуматимизнинг ёшларга таълим-тарбия бериш соҳасидаги ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб бериб, Ватан ва халқ олдидаги бурчларини шараф билан бажараётган шижоатли, сергайрат, ижодкор ёш мутахассисларни кўплаб учратасиз. Завод ва фабрикаларда, шахта ва конларда, колхоз ва совхозларда, муассаса ва ташкилотларда етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун завқ-шавқ билан меҳнат қилаётган, коммунизмнинг муҳташам биносини қураётган ижодкор меҳнаткашларимиз сафида дадил қадам ташлаётган инженер ва техникни, агроном ва зоотехникни, врач ва фельдшерни, гидролог ва геологни учратасиз. Ёш, талантли, ижодкор мутахассисларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу йил Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларини битирган етти мингдан ортиқ ёш мутахассис ана шу ижодкорлар сафига қўшилади. Бу йигит-қизларни янги-янги шаҳарлар, гулистонга айланиб бораётган қўриқ ерлар, улкан иншоотлар, қурилиш объектлари кутмоқда.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ёш мутахассис кадрлар учун барча шароитларни яратиб беришлари зарур. Область халқ маорифи бўлими бу йил мактабларга юбориладиган 500 дан ортиқ ёш педагогни жой-жойига қўйиш, уларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароитлар вужудга келтириш масаласини махсус кенгашда муҳокама қилиб, конкрет тадбирлар белгилади. Бўлим ходимлари ҳар бир ёш педагог билан суҳбат ўтказиб, унинг оллида янги Қонунни амалга оширишдек шарафли вазифа турганлигини тушунтириб, ёш мутахассиснинг эҳтиёжларини ўрганиб, уларга самимий маслаҳат бериб, бу соҳада анча дуруст иш қилмоқдалар.

Лекин ёш мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларнинг ижодий ўсишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Ҳамон турли соҳалар бўйича зарур кадрлар тайёрлаш масаласи жуда яхши ҳал қилинган деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги физика-математика фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар етишмаётган бир вақтда география, тарих, адабиёт фанларидан дарс берувчи педагоглар тайёрлашга кўп эътибор бераётир. Конларда, шахталарда ва бошқа корхоналарда ишловчи ўрта техник мутахассислар ва қишлоқ қурилишида ишловчи бинокор кадрлар етиштириш масаласи ҳам қониқарли эмас.

Айрим ёш мутахассислар йўлланма олгач, ўз ихтисослари бўйича ишламай, диплом талаб қилмайдиган ишларда кунларини ўтказиб, ўзларининг Ватан ва халқ олдидаги бурчларини бажаришдан бўйин товлаётирлар. Бундай «мутахассисларни» етиштириб чиқарган ва ишга йўллаган институт ёки техникум жамоатчилиги, партия ва комсомол ташкилотлари уларнинг ишидан хабар олмай қўядилар. Ҳар бир институт, университет ёки техникумда битирувчилар кечаларини тез-тез уюштириш, мазкур ўқув юртини тугатиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган мутахассислар билан улар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш ёш мутахассисларни тарбиялашда катта ижобий роль ўйнаган бўлур эди.

Партиямизнинг XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми коммунизм қурилишини кенг авж олдириш программасини чизиб берди, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантириш, айниқса техника прогрессини юксалтириш ва халқ хўжалигида автоматизация ва механизацияни кенг жорий қилиш истиқболларини очиб берди. Етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришда ёш мутахассисларимиз зиммасига шарафли вазифалар юкланади. Шундай экан, олий ва ўрта ўқув юртлари ёш мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтаришлари, таълим-тарбия ишларини тўбдан яхшилашлари, халқ маорифи системасини қайта қуриш ҳақидаги Қонунни изчиллик билан амалга оширишлари керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ШАҲАРДА ВА ИШЧИ ПОСЕЛКАЛАРИДА ЯШОВЧИ ГРАЖДАНЛАРНИНГ ШАХСИЙ МУЛКИДА БЎЛГАН ЧОРВА МОЛЛАР БОҚИШНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар амалга оширилиши натижасида колхоз ва совхозлар кейинги йилларда давлат ва аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ҳал қилувчи куч бўлиб қолдилар.

Эндиликда колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилигини тез ривожлантираётган ва аҳолига йил сайин кўпроқ гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бераётган бир пайтда, шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги аҳолининг чорва моллар боқишдаги примитив усулига хотима бериш учун реал имконият мавжудир. Ана шу примитив усул галлани ва давлат фондларидаги бошқа озуқаларни анча кўп сарф қилиб қўйишга олиб келади, ишчи кучларини жамиятдаги унумли меҳнатдан четга тортади ва бундан ташқари шаҳарларда, шаҳар атрофидаги жойларда ва ишчи посёлкаларида санитарияга хилоф шароитни вужудга келтиради.

Юқорида баён қилинганларга биноан ва меҳнаткашларнинг истакларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Шаҳарларда — Тошкентда, Нукусда, область марказларида ва уларга яқин жойларда яшовчи гражданларнинг шахсий мулкида бўлган маҳсулдор ва иш ҳайвонларини боқишлари 1959 йил 1 октябрдан бошлаб тақиқлансин.

Тошкент, Нукус шаҳарлари ва Ўзбекистон ССР даги область марказларининг атрофиларидаги жойлар ва бу жойларга кирадиган аҳоли яшайдиган пунктларнинг рўйхати Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг қарорлари билан белгиланади.

Белгилаб қўйилсинки, гражданлар ушбу Фармонга риоя қилмаганлари тақдирда, 1958 йилгача, яъни колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликлари мажбурий тартибда топширган чорва моллари ҳисобидан тўлаш вақтида амалда бўлган давлат харид нархларига мувофиқ қийматини тўлаш шарти билан уларнинг чорва моллари тортиб олинади.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг тақдимига мувофиқ, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари давлат савдоси яхшилана борган сари бошқа шаҳарларда, шунингдек ишчи посёлкаларида яшовчи гражданларнинг шахсий мулкида бўлган чорва моллари боқишни тақиқлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш ҳуқуқи берилсин.

3. Шаҳарларда ва уларнинг атрофида ҳамда ишчи посёлкаларида яшовчи аҳолининг шахсий мулкида бўлган сигир ва бузоқларнинг сўйилишига йўл қўймаслик мақсадида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларига чорва мол эгалари ўртасида зарур тушунтириш ишлари олиб бориш топширилсин, токи сигир ва бузоқларнинг сўйилишига йўл қўйилмасин ва колхоз ҳамда совхозларнинг сигир ва бузоқларни харид қилиши уюшқоқлик билан ўтказилсин.

Сигир ва бузоқларни харид қилиш қора молларга белгиланган амалдаги харид нархларига мувофиқ ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1959 йил, 14 август, Тошкент шаҳри.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш мақсадида оширилган мажбуриятлар олаётган ташаббускорлар сафини кенгайтирайлик!

Мусобақадош андижонлик пахта усталарининг қимматли маслаҳатларига амал қилиб, зиммага олинган мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун астойдил курашайлик!

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТТИРИЛСИН

Август шу кунгача тўпланган ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи, деб эълон қилган областимизнинг илғор хўжаликлари аъзолари шу кеча-кундузда ҳам бор имкониятлардан фойдаланиб, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Улар ғўзаларни қондириб суғориш, қатор ораларини ўз вақтида юмшатиш ишларини белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказиш билан бирга, мўл ҳосилга путур етказувчи қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кескин кураш олиб бормоқдалар.

ОДН агрегатлари ва қўл аппаратларидан тўғри фойдаланган Бекобод районининг илғор колхозлари барча майдонлардаги ғўза зараркунандаларини йўқотишга эришдилар. Улар шу йўл билан бор ҳосилни тўла сақлаб қолишни таъминладилар. Боёвут районидаги «Коммунизм», Карл Маркс номли, Янгийўл районидаги Свердлов номли, Чиноз районидаги Киров номли колхозларда ҳам ғўза зараркунандаларига қарши кураш сира бўшаштирилаётгани йўқ.

Областимизнинг айрим хўжаликларида эса аҳвол бутунлай бошқача. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари пахта йиғим-терими-ни бошлаб юбориш кунлари яқинлашиб қолди, эндиликда ғўза зараркунандаларига қарши курашилмаса ҳам бўлади, деган нотўғри тушунчага берилиб кетганлар.

Чиноз районидаги ўртоқ Норбоев раислик қилаётган Навоий номли колхознинг бир қатор бригадаларида зараркунандалар кенг тарқалган. Оржоникидзе районидаги «Ленинград», «Сталинград» колхозларида ҳам худди ана шундай аҳволни учратиш мумкин. Афсуски ана шу колхозларнинг раҳбарлари ҳашаротларга қарши курашдек муҳим вазифани эътибордан четда қолдирмоқдалар. Аввало бу соҳага етарли куч ажратилмаган. Зараркунандаларга қарши курашаётган қишиларга етарли иш шароити яратиб берилмаган. Талабчанлик ва контроллик йўқ.

Областимиз колхозлари ва совхозлари раҳбарларининг шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифаларидан бири йиғим-терим бошланганга қадар ғўза зараркунандаларига қарши курашни кескин давом эттиришдан ва тўпланган ҳосилни тўла сақлаб қолишга эришишдан иборат.

САНОБАР ОПАНИНГ ОЛИЖАНОБ МАҚСАДИ

Санобар АБДУҚОДИРОВА.

Гулистонлик машҳур пахтакор Ғанишер Юнусовнинг областимиздаги барча бригада бошлиқларига қарата ёзган очиқ Хатида шундай сатрлар бор эди: менинг беш ўғил, бир қизим бор. Еттинчи фарзандим — энг кенжа фарзандим пахта. Мен ўз болаларимга қанчалик меҳр билан қарасам, пахтага ҳам шундай меҳр билан қарайман. Санобар опа ҳам ўз қалбида Ғанишер аканинг ана шу олижаноб фикрини чуқур ҳис қилади. Тўққиз фарзандни тарбиялаб, балоғатга етказаётган меҳрибон она ўзига бириктирилган участкада ғўзаларни ҳам худди фарзандидек парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқда.

Санобар опа бригадаси аъзолари йил бошида 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 ўрнига 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган эдилар. Ана шу иштиёқ билан ёз бўйи ҳалол меҳнат қилинди. Кечалари киприк юммай, тунни кундузга улаган миришкор сувчилар, тонг саҳардан қош қорайгунча универсал ролини бураган азамат механизаторлар бугун барча майдонларда мўл ҳосил етиштириб, умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар. Санобар опа ўзининг уста ташкилотчилиги билан бригаданинг ҳар бир аъзосини ана шундай ҳалол меҳнатга рағбатлантира олди. Бугун барча колхоз аъзолари ўзаро социалистик мусобақанинг ғолиби Санобар опадан, унинг миришкор сувчилари Қаюм Бегимов, Мамадали Ғойибназаров, Насим Усмоновлардан, барча майдонлардаги ғўзаларни узунасига ва кўндалангига тўрт марта сифатли парвариш қилган моҳир механизатор Шерали Тиллаевдан, тер тўкиб ишлаётган бригаданинг барча аъзоларидан чексиз миннатдорлар.

Бугун Санобар опанинг пахта далаларида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Ҳар туп ғўзада 10—12 тадан тўқ кўсак, чаман-чаман очилган гуллар бор. Лекин ҳали бу бригада аъзоларини қаноатлантира олмайди. Ахир яқиндагина ўз районининг пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Ўз аҳдида мустаҳкам Санобар опалар бригадаси бу олижаноб ташаббусдан ортда қолишармиди?! Ҳа, илгариги гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштирамиз деган гап энди эскириб қолди. Бригада аъзолари 40 центнердан ҳосил топшириш иштиёқи билан астойдил бел боғлаб ишламоқдалар.

У. ЖОНГИТОВ.

Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхози.

АНДИЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДА

Ғўзани шамоллатинг

Мусобақадошимиз Тошкент областининг пахтакорлари олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида қандай меҳнат қилаётганликларини зўр қизиқиш билан текширмоқдамиз. Биз бўлган колхозларда чигит экишдан бошлаб фидокорона меҳнат қилаётган, ғўза парваришини сифатли ўтказиб, мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаган бригадалар, звеноларни учратмоқдамиз. Бундай бригада ва звеноларнинг ғўза парвариши соҳасидаги олиб бораётган ишларидан ўрнак олса бўлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олимбой Қўчқоров раислик қилаётган Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг ажойиб пахтакорлари тўғрисида кўп ҳикматли гапларни эшитганмиз. Шу сабабли бригадамиз бу хўжалик далаларини қизиқиб кўздан кечирди. Ҳақиқатан ҳам бу колхознинг илғор бригадалари ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш йўлида ажойиб ютуқларни қўлга киритибдилар. Ҳар туп ғўзасида 8-10 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилган бригадалар эндиликда ҳосилни сақлаб қолиш, шу билан бирга ҳосилга-ҳосил қўшиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Бироқ 3 минг гектар майдонга эга бўлган бу улкан хўжаликда ғўза парвариши умуман олганда бўшаштириб юборилган. Колхоз далаларини айланиб юрар эканмиз шундай хулосага келдик: правление ғўзаси сер ҳосил, сер шох илғор бригада ва карталарга ишониб, баъзи бир бригадаларга раҳбарликни суситириб юборган. Шу туфайли далада ишчи кучлари кам кўринади, зарур бўлган ерларда ғўза қатор ораларини трактор билан ишлаш йўлга қўйилмаган.

Колхознинг 7-бригадасида экин майдонининг деярли 70-80 процентини ўт босиб кетган. Бунинг устига чеканка сифатсиз ўтказилган. Бироқ бригадир ана шу камчиликларнинг олдини олиш тўғрисида чинакамига ғамхўрлик қилмаётир.

Ўртоқ Фозил Қўчқоров бошлиқ бригадада бўлганимизда, сиртдан унинг ғўзаларини кўриб, зап меҳнат қилишибди, азаматлар деб ўйладик. Лекин қатор оралаб синчиклаб текширганимизда, шу нарса маълум бўлдики, ғўза анча ғовлатиб юборилибди, ягона сифатсиз ўтказилганидан ўсимлик бир-бирига қалашиб кетиб, кўсаклар намда димиқиб қолибди. Биз бригадирга қатор оралаб ғўзаларингизни шамоллатинг, қуёшдан, ҳаводан яхши баҳр олсин, деб маслаҳат бердик. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунларда қилинадиган асосий ишларнинг бири — ғўза қатор ораларини тез-тез шамоллатиб туришдир. Мўл ҳосил етиштираман, юзим ёруғ бўлсин, деган деҳқон шундай қилиши керак. Бўлмаса ғўзаларнинг ривожи сустлашади, кўсаклар кеч очилади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу бригада далаларида ҳалигача бегона ўт йўқотилмаган.

Бундай камчиликларни колхознинг бошқа бригадаларида ҳам кўрдик.

Карл Маркс номли колхоз далаларида бўлганимизда ҳам ғўза парвариши соҳасидаги ишлар анчагина бўшаштириб юборилганлигини кўрсатувчи кўпгина фактларга дуч келдик. Масалан, колхознинг 12-бригадасида бирнеча гектар ердаги ғўза чаңқатиб қўйилган. Шу туфайли ўсимлик шона ва гулларини тўкиб юбормоқда. Ахир бу бригада аъзолари ҳар гектар ердан давлатга 30 центнердан ҳосил топшириш тўғрисида мажбурият олганлар. Шундай бўлгандан кейин қирқига чиқадик, қириқ бирига ҳам чиқайлик-да! Ғўзанинг аҳволидан вақтида хабар олиб, то пахта очилгунгача парвариш ишларини бўшаштирмайлик.

Шу колхознинг ўртоқ Т. Умурзоқов бригадасида барча ишчи кучлари ғўза парваришига сафарбар қилинмаганлиги, табелчининг ҳисоб-китоб ишларини тўғри олиб бормай, колхоз правлениесига нотўғри ахборотлар бериши бизни ранжитди. Ғўзаси говлаб кетган, қатор ораларини айланиб шамоллатиш лозим бўлган бригадалар бу колхозда ҳам бор.

Шуни айтиш керакки, биз бўлган бу колхозларда ғўза парвариши соҳасидаги барча ишларни хотин-қизлар бажармоқда. Эркаклар эса иккинчи даражали ишлар билан банд. Бундай қилиш ярамайди, тўғрироғи ярашмайди. Ҳозирги долзарб кунларда ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилайлик. Шунда етиштирган ҳосилимизни сақлаб қолиб, ҳосилга-ҳосил қўшиш мумкин бўлади. Ҳар иккала колхозда ҳам ҳали ёш, ривожланишдан анча орқада қолган ғўзалар кўп. Афсуски, бундай карталарни трактор билан культивация қилиш асосан тўхтатиб қўйилибди. Бу камчиликни тезда тугатиш, тракторларни тўла ишга туширишлозим. Шунингдек, далада ишловчиларга маданий хизмат кўрсатиш, иссиқ овқат тайёрлаб бериш соҳасидаги ишларга ҳам эътиборни кучайтириш керак.

Ленин номли ва Карл Маркс номли колхоз правлениелари бизнинг бу дўстона маслаҳатларимизни ҳисобга олиб, иш юритсалар, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил етиштириб, олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, деб ишонамиз.

Б. МАМАДАЛИЕВ,
Андижон область, Пахтаобод район ижроия комитетининг раиси.

М. КУЛИКОВА,
Фарғона зонал тажриба станциясининг илмий ходими.

Ҳосилдорликни янада оширамиз

Яқинда Пискент районидаги Ворошилов номли колхознинг Аҳмадали Шерматов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси шийпонида район колхоз ва совхозлари механизаторларининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда ғўза парваришининг бориши, механизаторларнинг навбатдаги энг муҳим вазифалари ҳақида район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи Ўртоқ Қ. Холдоров сўзлади.

Колхозларнинг ва «Пискент» совхозининг илғор трактор-далачилик бригадалари аъзолари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажариш, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини она-Ватанга мўл-кўл пахта ҳосили етказиб бериш билан кутиб олиш мақсадида пахта далаларида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Гулистонлик машҳур пахтакор Ғанишер Юнусов билан беллашиб, гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Ўртоқ Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригада аъзолари эришаётган муваффақиятлар чиндан ҳам мақтовга лойиқ. Бу бригадада барча майдонлардаги ғўзалар тўрт марта комплекс парваришдан чиқарилди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10—11 тадан тўқ кўсак санаш мумкин.

Районда Ғанишер Юнусов изидан бориб, пахта ҳосилини кескин ошириш учун курашаётган бригадалар оз эмас. Бугун Хрушчев номли колхознинг Ином Маъруповга, Ворошилов номли колхознинг Аҳмадали Шерматов, Умарали Умиров, Абдурахмон Ҳакимов, Абдукарим Суюнов Ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахта далаларида бўлган кишининг баҳридили очилади.

Бироқ, район колхозлари ва совхознинг барча бригадаларида ҳам ғўза парвариши кўнгилдагидек ўтказилаётгани йўқ. Айрим далачилик бригадалари бошлиқлари ғўзанинг ҳозирги кўкини кўриб, ишни бўшаштириб юбордилар.

Қатор колхозларда ҳосилга жиддий зарар келтираётган ҳашаротларга қарши курашиш ҳам эътибордан четда қолмоқда. Бунга яна ўша Калинин номли колхозни яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу соҳага етарли ишчи кучлари ажратилмаган. ОДН машиналаридан ва мавжуд қўл аппаратларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Механизаторлардан Мамаюнус Қосимов, Ўрозали Шерматовлар ўз сўзларида: бу йил мавсумда машина билан 70—80 тоннадан пахта терамиз, чиноэлик донгдор механизатор Ўртоқ Турсуной Охунованинг чақириғига қўшиламиз, деб ишонтирдилар.

— Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорларининг юқори ҳосил етиштириш тўғрисидаги чақириғи, — деди Ворошилов номли колхознинг бригада бошлиғи Ўртоқ Умиров, — бизни ҳам руҳлантириб юборди. Бригадамиз аъзолари 90 гектар ердан мамлакатга 300 тонна «оқ олтин» етказиб беришга эришишдек юксак мажбурият олдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ғўза парваришида йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилиш ва август ойининг охиригача ҳосилга-ҳосил қўшиш учун барча зарур тадбирларни амалга оширишга аҳд қилдилар.

Б. БОБОЕВ,

Пискент районидаги Ворошилов номли колхознинг агрономи.

Ўзаро текшириш натижалари область кенгашида муҳокама қилинди

АНДИЖОН, 14 август. (ЎзТАГ). Кеча бу ерда қишлоқ хўжалик илғорларининг область кенгаши бўлди. Кенгашда икки мингдан ортиқ киши қатнашди. Кенгаш қатнашчилари социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини, республика пойтахти, области ва Қирғизистон ССР Ўш области далалари меҳнаткашлари ўртасидаги мусобақанинг қандай бораётганлигини муҳокама қилдилар.

Тошкент ва Ўш областлари пахтакорларининг вакиллари бир неча кун давомида андижонликларнинг далаларида ғўзани парвариш қилиш, ҳосил йиғим-теримига тайёргарликнинг қандай бораётганлиги билан батафсил танишдилар. Ўзаро текшириш натижалари тўғрисида Ўш область ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. Примов ва Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Б. Мирзабеков ахборот бердилар.

Меҳмонлар орденли область далаларининг меҳнаткашлари етти йиллигининг биринчи йилида пахта етиштиришни комплекс механизациялаш соҳасида катта қадам қўйганликларини қониқиш билан таъкидладилар. Асосий массивларда ғўзалар қирқма усулда ишланмоқда, 15 қишлоқ хўжалик артели ва иккита совхоз ғўзани кетмонсиз етиштириш усулига тўла ўтдилар, 415 та трактор-далачилик бригадалари ташкил этилди, бу бригадаларда ҳамма майдон ҳосили машинада териб олиш учун ажратилди.

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Р. Қурбонов орденли Андижон пахтакорларининг катта бурчи тўғрисида гапирди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Тошкент ва Ўш областлари пахтакорларининг танқидий мулоҳазалари ва маслаҳатлари асосида ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш билан ғўза парваришини кучайтириб юборишга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Агитаторлар далада, мўл ҳосил учун кураш кетаётган жойда иш олиб бормоқдалар

Колхозимизнинг аъзолари КПСС XXI съезди қарорларини ва улуг етти йиллик план топшириқларини тўла-тўкис амалга ошириш учун кучларига-куч, ғайратларига-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Колхознинг деярлик барча бригадаларида картошка, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун кураш қизғин давом этяпти.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотининг бутун диққат-эътибори олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга қаратилган. Бу соҳада ўз составига коммунистлар, комсомоллар, қишлоқ хўжалиқ мутахассислари ва ишлаб чиқариш новаторларидан 34 кишини бирлаштирган агитколлектив партия бюросига катта ёрдам бераётир. Экинлардан мўл ҳосил олиш ва чорва маҳсулотлари етиштириш юзасидан берилган ваъданинг устидан чиқиш учун кураш қизғин давом этаётган ҳозирги кунларда кўпчилик агитаторлар бевосита далада, чорвачилик фермаларида иш олиб бормоқдалар. Улар экинларни парвариш қилиш, чорвачилик фермаларидаги ишларни бажаришда колхозчилар ва чорвадорлар билан бир қаторда қатнашиб, меҳнатда шахсан намуна кўрсатмоқдалар. Айни вақтда илғорларнинг тажрибасини ўрганмоқдалар ва уни қунт билан оммалаштираётирлар. Сабзавотчилар ва чорвадорларни олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан таништирмоқдалар, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялямоқдалар.

Агитаторларнинг нормал ва актив иш олиб бориши учун барча шароитлар яратиб берилган. Барча бригадалардаги дала шийпонлари яхшигина жиҳозланган. Бу ерда агитатор навбатдаги суҳбатга тайёрланишда фойдаланиши учун зарур бўлган адабиётлар, газета ва журналлар бўлади. Дала шийпонларида агитаторлар дам оладиган алоҳида жойлар ажратиб қўйилган.

Бундан ташқари ҳар бир дала шийпонида болалар яслиси, ошхона бор. Колхозчилар дала шийпонида истасалар радио эшитишлари, газета ва журнал ўқишлари, шахмат-шашка ўйнашлари ва кўнгилдагидек маданий дам олишлари мумкин.

Буларнинг ҳаммаси агитаторларга ўз ишларини муваффақиятли давом эттириш, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйиш, уларнинг яхшироқ дам олишини уюштириш имкониятини бераётир.

Коммунист ўртоқ Рўзиева бошчилик қилаётган бригадада, айниқса оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бригада агитатори ўртоқ Аҳмедов колхозчиларни мамлакатимизда ва чет элларда юз бераётган воқеалар билан мунтазам равишда таништириб боради, социалистик мусобақага якун ясайди. У, дала шийпонида тез-тез «Жанговар варақа» чиқаради, фотогазетанинг янги-янги сонларини тайёрлайди. Уларда илғор колхозчиларнинг тажрибаси ҳақида сўзлаб берилади, айрим дангаса ва ишёқмаслар танқид қилинади. Бригадада «Ҳурмат тахта»си ҳам ташкил этилган. Унга меҳнатда алоҳида намуна кўрсатаётган бригада аъзоларининг номлари ёзиб борилади.

Бригада аъзолари ўртасида олиб борилаётган жанговар сиёсий агитация ишлаб чиқаришда тобора янги ютуқларни қўлга киритишга имкон бераётир. Бу ерда барча колхозчилар сабзавот, картошка ва бошқа экинларни парвариш қилишда юқори меҳнат унумига эришмоқдалар, кунлик нормаларни доимо ошириб бажараётирлар.

Бир вақтлар ўртоқ Т. Ҳожиматов бошлиқ бригада картошка ва сабзавот экинларини парвариш қилишда бир мунча орқада қолди. Шунда партия ташкилоти ўртоқ Аҳмедовни шу бригадага юборди. У, бригадада юз берган аҳвол билан синчиклаб танишди, ҳар бир колхозчи ва механизаторнинг фаолиятини анализ қилиб кўрди. Сўнгра бригада аъзоларини бир ерга тўплаб, улар билан юз берган аҳвол ва унинг сабаблари ҳақида чин юракдан суҳбат қилди. Натижада бу ерда социалистик мусобақа юзаки ташкил қилинганлиги, умуман бригада бўйича ва якка тартибда мажбуриятлар олинган-у, лекин у унутиб юборилганлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг агитатор бригада аъзолари билан бамаслаҳат равишда экинлар парваришини яхшилаш ва мўл ҳосил етиштириш учун нималар қилиш лозимлигини белгилаб олди. Лекин у, бу билан чекланмади. Бригадада ишнинг бориши билан кун сайин танишиб борди, ҳар бир колхозчи ва механизаторнинг қандай ишлаётганлиги билан қизиқди. Эртаси куни эса бригада аъзолари бир жойга тўпланишганда илгариги куни ким қандай ишлаганлиги ҳақида гапириб берди. Бу тадбир бригаданинг ҳар бир аъзосини жиддий ўйланишга, тобора олдинга интилишга мажбур этди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Кўпчилик колхозчилар кунлик нормани ошириб бажарадиган бўлиб қолдилар. Мўл ҳосил учун курашда катта роль ўйновчи трактор Бойузоқов ва Очилов ўртоқлар эса ҳар куни 1,5 нормадан бажара бошладилар.

Бу каби мисолларни бошқа бригадаларда иш олиб бораётган агитаторлар фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Партия ташкилоти муваффақиятларни кўпайтириш билан бирга, ишда юз бераётган камчиликлар, унинг сабабларини аниқлаш ва уни бартараф қилишга ҳам доимо катта эътибор беради. Бу соҳада деворий газета катта роль ўйнамоқда. Умумколхоз деворий газетасидан ташқари, барча бригадаларда алоҳида газеталар чиқарилади. Деворий газетада ишни яхши ташкил этган илғор бригадаларнинг, унумли меҳнати билан ҳаммага танилган колхозчилар, трактторчилар, шунингдек ўзлари биркитиб қўйилган бригадаларда оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйган агитаторларнинг тажрибаси ҳам оммалаштириб борилади. Бу агитколлектив фаолиятидаги айрим камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уни янада яхшилаш имконини бермоқда.

Партия ташкилоти агитколлективнинг иши устидан кун сайин контроллик олиб боради, унинг янада мазмунли ва маълум мақсадга қаратилган бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилади. Ҳар ўн кунда агитаторларнинг семинар ва йиғилишлари ўтказиб турилади. Унда агитаторлар томонидан ўтказилган суҳбатларнинг савияси ва берган натижаси, суҳбатни ўтказиш методлари анализ қилинади. Агитаторлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Лекин шуни айтиш керакки, колхоз аъзолари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларда жиддий камчиликлар ҳам бор. Айрим агитаторлар суҳбатга яхши тайёргарлик кўрмайдилар ва уни юзаки ўтказадилар, колхоз, бригада олдида турган амалий вазифаларни эътибордан четда қолдирадилар, социалистик мусобақанинг кучига етарли баҳо бермайдилар, унинг натижаси билан колхозчиларни ўз вақтида таништирмайдилар.

Партия ташкилоти колхозчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлардаги камчиликларга барҳам бериб, унинг савиясини ошириш ва шу асосда колхоз аъзолари ўртасида КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашни кучайтириш юзасидан барча зарур чораларни кўради.

Қ. ОТАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар, Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз партия бюросининг секретари.

Коммунистлар авангард бўлган бўлимда

«Пискент» совхозининг 6-бўлими ўтган йили ҳар гектар ердан давлатга 21 центнердан пахта топшириб, планни биринчилар қаторида бажарган эди. Бу йил бўлим коллективи 640 гектар майдондан 1460 тонна пахта ҳосили олиш ва ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 5 центнер оширишга аҳд қилган.

Бўлим бошланғич партия ташкилоти мўл ҳосил учун курашда коммунистларнинг авангардлиқ ролини таъминлаш масаласига катта эътибор бермоқда. Ташкилот ҳисобида турувчи 19 коммунистнинг деярлик ҳаммаси бевосита дала ишларида қатнашмоқда. Улардан етти киши пахтачилик бригадаларига раҳбарлик қилаётир. Налибой Жўраев, Қамбар ўғли Бадиршо, Бобо Жайловов, Раҳматилла Аҳмедов ва Тоғай Бозоров ўртоқлар ўз вазифаларига юксак масъулият билан қарадилар, дала ишларини намунали ташкил этдилар, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани кучайтириш йўлида кўп куч ва ғайрат сарфладилар. Улар бригадага раҳбарлик қилиш, ғўза парвариши соҳасидаги ишларни тўғри ташкил қилиш билан бирга, партия ташкилоти ёрдамида ўз коллективлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, уларнинг унумли меҳнат қилиши ва яхши дам олиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилдилар.

Бўлимнинг мўл ҳосилли ўртоқ Налибой Жўраев бошлиқ бригада коллективи ғўза парвариши давридa бригадаларарo социалистик мусобақада доимо олдинда борди.

Бригада ишчилари, айниқса механизаторлари шу кунларда ғўзага ишлов беришни бўшаштирмай давом эттирмоқдалар. Тракторчи ўртоқ Алибой Жўраев 55 гектар ердаги ғўзани тўрт марта узунасига ва ўртоқ Раҳматилла Аҳмедов бошлиқ 7-бригада механизаторлари ҳам ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи бўлган августда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бригада аъзолари 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнер ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Механизатор ўртоқ Карим Аҳмедов олинган мажбуриятни бажариш учун давом этаётган курашнинг олдинги сафида бормоқда. У, ҳозир ҳам ўз тракторини кўндалангига юргизиб, кўсакка-кўсак, гулга-гул қўшилишини таъминламоқда, бригада коллективининг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Бўлим партия ташкилоти ҳозирги кунда асосий эътиборни ғўзани қондириб суғориш, бу ишда ҳам коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашга қаратмоқда. Коммунистлардан Исмоил Иброҳимов, Омон Қобилов ўртоқлар тунги суғоришга бошчилик қилмоқдалар, ўзларининг кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар.

— Бўлим коммунистларининг, барча ишчилар ва механизаторларнинг фикр-эътибори, — дейди партия бюросининг секретари ўртоқ Б. Қўрғонов, — КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш билан банд. Шу мақсадда ғўза парваришида ишлаш учун ажратилган 280 ишчининг ҳаммаси далада унумли меҳнат қилмоқда. Ойша Тўғишева, Азизхон Дадаева, Соня Маматова ва Халима Ҳайдарова сингари ўнлаб комсомол-ёшлар Пленум шарафига бошланган социалистик мусобақанинг ташаббускорлари бўлдилар. Ҳозир улар фидокорона меҳнатлари билан ҳосилга-ҳосил қўшиш учун олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Партия контроли амалда

Тошкентдаги «Подъёмник» заводи партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан маъмурият фаолиятини контроль қилиш юзасидан иккита комиссия тузди. Актив коммунистлардан иборат бўлган экспорт заказларининг бажарилишини контроль қилиш ва заводни реконструкция қилишнинг бориши устидан контроль қилиш комиссиялари қизғин иш бошлаб юбордилар. Бу комиссиялар шу пайтгача амалга оширилмай келган кўп масалаларни муваффақиятли равишда ҳал этмоқдалар. Суратда: заводни реконструкция қилишнинг бориши устидан контроль қилиш комиссиясининг аъзолари (чапдан) Н. О. Ломанов, Г. А. Галустьянц, В. М. Залогин ва Ғ. Ғафуров ўртоқлар комиссиянинг вазифалари ҳақида ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

А. Заблоцкий фотоси.

Коммунизм қурилишини тезлаштиришга ҳар ким ўз ҳиссасини қўшсин!

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ГАГАНОВА — ҒАНИШЕР ИУЛИДАН

Ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб...

Суратда: фабрика комсомол комитетининг секретари Журъат Фармонов Елизавета Штанько нинг бригадасининг муваффақияти билан табрикламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Елизавета Штанько Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикасида мотористка бўлиб ишлар, кундалик смена топшириқларини муттасил равишда ошириб бажарар, у тайёрлаган маҳсулот доимо аъло сифатга қабул қилинар эди. Бироқ шу цехдаги Надежда Бутенко бошчилик қилаётган участка доимо орқада қоларди. Ишчилар ва мотористклар смена топшириқларини бажара олмас, улар тайёрлаган маҳсулотнинг кўпгина қисми брак қилинар эди.

Моҳир мотористка Елизавета Штанько машиналар ва иш шароити бир хил бўлгани ҳолда, меҳнат самарасининг турлилигидан ажабланар ва унинг сабаблари билан қизиқар эди. У, ана шу қолоқ участкани илғорлар даражасига кўтариш ҳақида ўйлаб юрган кунларда матбуотда Вишний Волочок ип-газлама комбинатининг бригада бошлиғи Валентина Гаганованинг ватанпарварлик ташаббуси ҳақидаги хушхабар эълон қилинди.

Орадан кўп ўтмай, Елизавета фабрика партия ташкилотининг секретари Манзура Бурхоновага ўзининг Валентина Гаганова ташаббусига қўшилиши ва Бутенко бошчилик қилаётган участкага ўтиб ишламоқчи эканлигини айтди. Партия ташкилотининг секретари Елизаветанинг бу истагини тўла қўллаб-қувватлади ва унга зарур ёрдам кўрсатиб туришга ваъда берди. Шундан сўнг ўртоқ Штанько қолоқ бригадага ўтказилиб, смена мастери қилиб тайинланди.

Машинанинг «тили»ни яхши биладиган Елизавета мотористка бўлиб ишлаб турган вақтида 1300 — 1400 сўм маош олар эди. Смена мастери бўлиб тайинлангач 800 сўм маош ола бошлади.

Агар, сиз Елизаветадан нима учун ўз манфаатингиздан кечиб, қолоқ участкага ўтиб ишлай бошладингиз деб сўрасангиз, у:

— Гап пулда эмас, гап фабрикамиз шаънига доғ тушириб келаётган қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш, меҳнаткашларга кўпроқ кийим-кечак тикиб беришда,— деб жавоб беради.— Агар биз астойдил киришсак, қолоқ участкалар қолмайди, орадан кўп ўтмай, биргина мен эмас, балки мен билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ишчиларнинг ҳаммаси ҳам ҳозиргидан анча кўп маош олиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам ишбилармон Елизаветанинг юқоридаги бу гаплари ҳаётда ўзини оқлади. Елизавета Штанько бошлиқ участкада эндиликда кунлик топшириқни бажармаётган бирорта ишчини учратиш анча мушкул.

Албатта, бу участкани илғорлар даражасига кўтариш осон бўлмади. Дастлабки кунлари Елизавета ҳаттo бироз иккиланди ҳам. Лекин коллектив олдида берган ваъдасининг устидан чиқиш учун астойдил ишга киришган бу жувон дастлабки қийинчиликларни бирин-кетин бартараф қила борди. Елизавета ҳар куни смена бошланмасдан анча барвақт келиб, мотористка-ларнинг қайси бирига қандай топшириқ беришни олдиндан ўйлаб қўяр эди. Бундан ташқари иш процессида тикувчиларга унумли меҳнат қилиш йўлларини ўргатар ва фойдали маслаҳатлар берар эди.

Қолоқ участкага ўтиб ишлай бошлаган Елизаветанинг меҳнати зойи кетмади. Ҳозир унинг участкасида меҳнат қилаётган мотористка-лардан Маҳфуза Қўлдошева, Валя Стрельцова, Зарифа Мусаева, Тўти Хусанова ва бошқалар смена топшириқларини ошириб адо этмоқдалар

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Юксак номга муяссар бўлдилар

Кўп қатори Тошкент транспорт машинасозлиги заводининг коллективи ҳам етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш, техникани янада тараққий эттириш мақсадида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Коллектив ўртасида ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш йўли билан меҳнат унумдорлигини тобора ошира бориш учун бошланган ҳаракат кун сайин кенг қулоч ёймоқда.

Заводда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун ҳаракат бошланганда, Артём ҳам ўз бригада аъзолари билан маслаҳатлашиб, ана шу юксак ном учун курашишга қарор қилган эди. Худди туғишгандек аҳил ва иноқ коллектив астойдил ҳаракат қилди. Бригаданинг илғор ишчилари малакаси кам ёш ишчиларни ўз оталикларига олдилар, уларга яқиндан ёрдам бердилар. Қилинган меҳнат бекорга кетмади: бригадада ойлик ва ҳафталик топшириқлар доимо 200—250 процентга етказиб бажарилди.

Бригада аъзолари фақат топшириқларни бажаришдагина эмас, балки юриш-туришда ҳам бошқаларга намуна кўрсатдилар. Кўпчилик ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўзларининг назарий ва сиёсий билимларини оширмоқдалар. Масалан, Владимир Афанасьев ўрта мактабни муваффақият билан тамомлади. Унинг ҳамкасби Александр Першин эса шу кунларда политехника институтининг кечки бўлимига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Йиғув цехининг ўртоқ Артём Сигбатуллин раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳамма жиҳатдан бутун коллективга намуна кўрсатиб келаётганлиги сабабли яқинда уларга заводда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Коммунистчасига яшаб, комунистчасига ишлаётган бу аҳил коллектив эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун 1959 йилда камида икки йиллик планни бажариш, учта рационализаторлик таклифини жорий қилиш ва фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Бригада аъзоларининг сўзи билан иши бир. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашаётган слесарлар шу кунларда смена топшириқларини муттасил 300 процентгача етказиб бажараётирлар.

Б. ИМОМОВ.

Кўплаб мебель буюмлари ишлаб чиқариш учун

Меҳнаткашларнинг чиройли, бежирим ва арзон мебель буюмларига бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Қорасув районидаги мебель фабрикасининг меҳнатсевар коллективи мавжуд ички резерв ва имкониятларни ишга солиш, иш соатларидан унумли фойдаланиш ҳисобига белгиланганидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Фабрика коллективи етти йиллиннинг биринчи йилида аҳолига 17 миллион 300 минг сўмлик стол, стул, диван ва бошқа буюмлар тайёрлаб бериши лозим. Ҳозиргача эса 10 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган фабрика коллективи шу кунларда цехларарo ва бригадаларарo социалистик мусобақани қизитиб юборди. Бу мусобақада коммунист Василий Матвеев бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Бу бригада июль ойи топширигини муддатидан олдин 128,5 процент қилиб бажарди ва бир неча минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаб берди.

Тайёрлов цехининг илғор ишчиларидан Салима Маҳмудова, Мадина Шокирова, Осиё Қодирова ва бошқалар смена топшириқларини 150—170 процент қилиб адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Бизда,— дейди фабрика комсомол комитетининг секретари ўртоқ Д. Шлифер,— ҳозир қолоқ бригадалар қолмади, деб айтиш мумкин. Шу қизғин кунларда олдимизда турган асосий вазифа — ўртача суръат билан ишлаётган бригадаларни ҳам илғорлар даражасига кўтаришдан иборат.

Корхонада биронта ҳам қолоқ бригаданинг йўқлиги қувончли ҳодисадир. Лекин бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади, албатта. Бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилаётган фабрика коллективи аҳолига кўплаб мебель буюмлари етказиб бериш мақсадида қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширди.

Г. НУРУЛЛАЕВА.

БИНОКОРЛАР ҒАЙРАТИ

«Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли қурилиш бошқармаларининг коллективлари ўзларининг традицион байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Айниқса 1-қурилиш бошқармасининг бинокорлари уй-жой майдонлари қуриш бўйича белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажармоқдалар. Улар шу йилнинг ўтган ойлари ичида 12 та бир неча қаватли кўп квартирали турар-жой биноларини фойдаланишга топширдилар. Ўтган ойлар давомида ҳаммаси бўлиб 10 минг квадрат метрдан ортиқроқ майдонга эга бўлган 250 га яқин квартира кончиларга қуриб топширилди.

Э. МЕЛИКСЕТОВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК АРТЕЛИ УСТАВИ — КОЛХОЗ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

КОЛХОЗ МУЛКИ—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошираборий, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш соҳасида яхши натижаларга эришдилар. Кейинги беш йил мобайнида далачилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотлари бирмунча кўпайди, колхозчиларнинг пул билан келадиган даромадлари ўсди, бўлинмас фондларга ажратиладиган маблағлар кўпайди ва ниҳоят ишлаб чиқариш базалари мустаҳкамланди.

Катта миқъёсда ер-суви бўлган, техника воситалари билан яхши таъминланган, зарур миқдорда ишчи кучига эга бўлган область колхозларидаги барча имкониятларни ҳисобга олганда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган натижаларни қониқарли деб бўлмайди. Область колхозларидаги мавжуд резервлар ва имкониятлардан қониқарсиз фойдаланилаётганлигининг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалик артели Уставига тўла риоя қилиб-май иш тутилаётганлигидир. Қишлоқ хўжалик артели Уставининг қўпол равишда бузилганлиги айниқса 1958 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди. 1958 йилда колхозларнинг кўпчилигида пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш юзасидан берилган топшириқ бажарилмади.

Область колхозларида қишлоқ хўжалик Уставининг қўпол равишда бузилаётганлигига бир жиҳатдан прокуратура ва суд органларининг ходимлари ҳам жавобгардирлар. Агар қишлоқ хўжалик артели Уставини бузувчиларга жазо бериш сиёсати тўғри қўлланилганда, уларга қарши курашда совет қонунининг кучидан тўла фойдаланилганида эди қишлоқ хўжалик Уставининг бузилиш ҳоллари камроқ бўларди. Эътироф қилиб айтиш керакки, прокуратура ва суд органлари жамоат мулкини талон-тарож қилувчиларга нисбатан кўнгилчанлик қилмоқдалар.

Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда бир неча ўн минг сўм, Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхозда бир неча ўн минг сўм камомат ва растрат қилинганлиги ҳақидаги ишнинг ўтган йилдан бери ҳаракатсиз ётганлиги бунинг жонли шоҳидидир. Ёки Оққўрғон район суди (судья ўртоқ Саидҳўжаев) Ворошилов номли колхоздан Югай деган бир шахсни 74 тонна шоли ўғирлагани учун суд қилди. Югайнинг жиноятини Совет контроль комиссияси томонидан исботланганлигига қарамай, ўртоқ Саидҳўжаев раислигида ўтган суд жиноятчини бор-йўғи бир йил мажбурий хизматга ҳукм қилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузганликлари ва Уставнинг бузилишига йўл қўйганлари учун ўтган йили 79 киши жиноий жавобгарликка тортилди, 1959 йилда эса шу иш билан 29 киши судланди. Шунга қарамай область колхозларида Уставни бузиш ҳоллари ҳали ҳам давом этмоқда. Бунинг сабаби колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш йўли билан Уставнинг бузилишига қарши курашни кучайтирилмаётганлиги бўлса, иккинчидан прокуратура ва суд органлари ходимларининг ўз ишларига парвосизлик билан қараётганликларидир.

Шуни ҳам айтиш керакки айрим колхоз раҳбарлари жиноятнинг олдини олиш ўрнига, ўзлари бош бўлиб Уставнинг бузилишига ва колхоз мулкини талон-торож қилинишига йўл қўйиб келмоқдалар. Собиқ Октябрь районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси Эргашев қолхознинг 4 гектар ерини Хван Александр деган шахсга бериб тарвуз эктирган. Олинган 48 тонна ҳосилни Свердлов областига юбориб сотдирган ва ундан келган 19,200 сўмни ўзлаштирган. Шунингдек у Тожибоев, Мусаҳўжаев деган шахсларга ҳам ер бериб, тарвуз эктирган ва келган даромадни ўзлаштирган.

Шундай колхоз раҳбарлари ҳам борки, улар бошқа ташкилотларнинг айрим бошлиқлари билан ўзаро тил бириктириб, колхоз мулкини талон-торож қилмоқдалар, артель Уставини қўпол равишда бузмоқдалар. Ўржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг собиқ раиси Пўлатов экспериментал базанинг директори Каримов билан келишиб, 70 тонна кунжара олган. У, кунжаранинг 35 тоннасини 38.730 сўмга сотиб, пулини ўзлаштирган.

Албатта, бу жиноятчилар суд жавобгарлигига тортилган. Лекин артель Уставини ва унинг бузилишига йўл қўяётган, колхоз мулкини талон-торож қилаётган шахслар область колхозларида кўплаб топилади. Уларни кенг жамоатчилик ёрдами билан фош қилиш, ашаддий жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортиш прокуратура ва суд ходимларининг вазифасидир.

Совет қонунларини ҳимоя қилувчи прокуратура ва халқ томонидан сайланган судьялар, қонунни бузувчиларга, капитализмнинг сарқитларидан халос бўлмаган ҳар қандай шахсларга, социалистик мулкни ўғирловчиларга, савдогарларга, осонлик билан бойлик ортдиришга урунувчиларга қарши курашда адолатли совет қонунларидан тўла фойдаланишни ўзларининг муқаддас бурчлари эканлигини унутмасликлари керак.

Партия ва совет ташкилотлари ҳамда бутун жамоатчилик қишлоқ хўжалик артели Уставини бузувчи, халқ мулкига кўз олайтирувчи шахсларни фош этишда прокуратура ва суд ходимларига яқиндан ёрдам бермоқлари лозим. Жиноятнинг олдини олиш учун тафтиш комиссиялари ишларини тубдан яхшилаш керак. Уларнинг составларини қайта кўриб чиқиш ва уни бухгалтерия ишини яхши билган кишилар билан мустаҳкамлаш, колхоз правлениеси бухгалтерия, экспедиторлар, омбор мудирлари, ферма бошлиқларининг ишларини вақти-вақти билан тафтиш қилиб туриш керак. Бу вазифаларда ишлаётган кишиларни текшириб, улардан халқ ишончига сазовор бўлмаганларини хўжалик ишларидан четлатиш, бундай масъулиятли ўринларга халқ ишига содиқ бўлган, илмли ва ишчан кишиларни қўйишнинг вақти келди.

Бутун жамоатчилик прокуратура ва суд органларининг ишига яқиндан ёрдам берганидагина ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш ва жиноятчиларга қақшатгич зарба бериш мумкин.

Колхоз мулки — халқ бойлиги. Уни кўз қорачиғидек сақлайлик!

Ф. МУҲИДДИНОВ.
Тошкент область судининг раиси.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

ЮЗАКИЧИЛИК

Сиртдан қараганда ҳамма нарса жойидага ўхшаб кўринади: колхоз кишиларининг меҳнати, мактаб ва маданий ҳаётга оид хабар ҳамда мақолаларни газетанинг ҳар сонидан ҳам учратишингиз мумкин. Лекин масалага ҳозирги кунинг талаблари нуқтаи назаридан ёндошсак, Боёвут район газетаси ҳали кўп нарсаларни эътибордан четда қолдираётганлиги, совхоз ва колхоз кишиларининг мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашини, ганишерчи бригадаларнинг тажрибасини атрофлича ёритмаётганлиги, бу соҳада кўпинча юзакичиликка йўл қўяётганлиги маълум бўлади.

Бошмақола газетанинг байроғи, унда кўтарилган ва илгари сурилган масалалар газетанинг шу сонида босиладиган хабар ва мақолаларнинг қаймоғи бўлиши лозим. Афсуски, бу газетанинг бошмақолалари қайси темага бағишланган бўлишидан қатъий назар, уларда жанговарлик, ҳозиржавоблик, принципиаллик руҳи сезилмайди. «Ҳамма майдондаги гўзани бир текис ривожлантирайлик», «Сувдан тўғри фойдаланайлик» сингари бошмақолалар актуал темаларда бўлишига қарамасдан жуда саёз ёзилган. Уларда гўза парвариши соҳасидаги ишлар бўшаштириб юборилаётганлиги тилга олинса ҳам, лекин камчиликнинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича анализ қилинмайди, айбдорлар четлаб ўтилади, натижада мақоланинг таъсир кучи йўқолади. Суғоришга бағишланган бошмақолада (14 июнь) хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин биронта ҳам сувчининг номи тилга олинмаган. Бундай камчиликлар газетада босилиб чиқаётган бошқа хабар ва мақолаларда ҳам учрамоқда. «Бетга айтганнинг зазри йўқ», «Биз 4-бўлим далаларида нималарни кўрдик» (5 июль) сингари танқидий мақолаларни қизиқиб ўқиб чиқасизку, лекин охирида нимадир етишмагандек туюлади. Бунинг сабаби авторлар камчиликларни тамомбабин сифатида санаб ўтадилар. Лекин уни атрофлича анализ қилмаганлар. «Гўзани ҳамон кўллатиб суғориш давом этмоқда» сарлавҳали (9 июль) танқидий хабарда ҳеч бир факт йўқ, у нуқул умумий гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Хабарнинг бир ерида «Коммунизм» колхозининг Фазлиддин Мирзаалиев бошлиқ бригадасида ҳамон гўзани кўллатиб суғориш давом этмоқда» дейилади, холос. Бундай танқиднинг нима кераги бор?

Областимиз колхоз ва совхозларида ганишерчилар ҳаракати кунданкунга кенг қулоч ёзмоқда. Ўнлаб ва юзлаб бригада ва звеноолар бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, гектаридан 40-50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Боёвут районининг колхоз ва совхозларида ҳам бундай бригадаларни кўплаб учратиш мумкин. Хўш, бу ҳаракатни газета қандай ёритмоқда. Очиғини айтиш керакки, газета бу масалани ҳам юзаки, пала-партиш ёритмоқда.

Шу йилнинг 27-29 май кунлари Ганишер Юнусовнинг ўзи район колхозларида бўлди, «Коммунизм» колхозининг донгдор пахтакорлари Фармонқул Сўяров, Қўшоқбой Маҳкамов, Карл Маркс номли колхоздан Эрмат Нурматов, Беккибобо Саидов, 1-«Боёвут» совхозидаг Шарофат Бозорова, Тилов Абдалиев сингари донгдор пахтакорлар билан учрашди, камчиликларни кўрсатиб, дўстона маслаҳатлар берди. Бироқ, газета бу муҳим воқиадан хабарсиз қолди. Редакция ходимларининг айби билан донгдор пахтакорларнинг учрашуви ва учрашувда бўлган қимматли фикр олишувдан, ўзаро берилган маслаҳатлардан район пахтакорлари бебаҳра бўлдилар.

Бизнинг бу даъвомизга редакция ходимлари эътироз билдириб, ганишерчилар тўғрисида тез-тез хабар ва мақолалар босаётирмизку, деб айтишлари мумкин. Бу тўғри, уни эътироф қилмаслик мумкин эмас. Лекин газета ходимлари бундай хабарларни чуқур, мазмундор бўлишига эришмаётирлар, уларда кўпинча кишиларнинг ташаббуси, тажрибаси, иши умумий гаплар соясида кўмилиб қолмоқда.

Мана бир мисол: «Гўзани учинчи парвариш қилиш бошланди» (18 июнь) хабари 4-«Боёвут» совхозининг ўртоқ Д. Бўриев бошлиқ трактор-далачилик бригадасига бағишланган. Афсуски, бу хабарни ўқиган киши ганишерчи бригада деб таъриф қилинган бригаданинг ишидан ўрнак бўладиган ҳеч бир нарса ололмайди. Унда: «Ҳозир бригада ишчилари орасида биронта ҳам ишёқмас, ёки иш нормасини бажармовчи ишчи йўқ» дейилади. Мана сизга илғор бригаданинг иш тажрибаси! Шунингдек «Ҳосилга-ҳосил қўшаётирлар», «Мўл ҳосил зўр бериб ишлаш билан қўлга киритилади» (9 июль), «Звено аъзоларининг аҳди» (19 июль) сарлавҳали хабар ва мақолалар ҳам ганишерчиларга бағишланган бўлишига қарамасдан, уларда нуқул ўтган ишлар ҳақида сўзланади, гап шу кеча-кундузга келганида эса авторлар ваъз-насиҳатга ўтадилар, ундай қилиш керак, бундай қилиш керак деб қуруқ гап сотадилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Газетанинг айрим сонлари юқоридан юборилган ёки газетадан кўчирилган расмий материаллар билан тўлиб чиқади. Бундай қилиш нотўғри. Кўпроқ илғор бригада ва звеноларнинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи мақола ва хабарларни бериш керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, газетанинг бир сонида бир совхоз тўғрисида 3-4 хабарни учратасиз. Масалан, газетанинг 14 май сонида «Фарҳод» совхозидан бир йўла тўрт хабар босилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Боёвут район «Пахта учун» газета редакциясининг ходимлари ўз фаолиятларини тубдан яхшилашлари, гўза парвариши кучайтирилиши лозим бўлган ҳозирги кунларда колхоз ва совхозлардаги ишнинг аҳволини атрофлича ва оперативлик билан ёритишлари, мақола ва хабарларнинг чуқур мазмунли, қизиқарли ҳамда таъсирчан бўлишига эришишлари керак. Бу соҳада уларга район партия комитети ёрдам бериши зарур.

Маданий-оқартув муассасаларининг муҳим вазифалари

Областимиздаги 220 клуб, 210 кутубхона ва бошқа кўплаб маданий муассасаларнинг иш фаолияти КПСС XXI съезди қарорларини пропаганда қилишга қаратилган.

Маданий хизмат кўрсатиш мақсадида 14 агитмашина, 6 китоб автолавкаси ташкил қилинган. Дала шийпонлари ва бригадаларнинг ўзида район бадиий ҳаваскорлари, Тошкент шаҳар ижодий коллективлари концертлар кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари дала шийпонларида КПСС XXI съезди материаллари бўйича лекциялар, докладлар, суҳбатлар мунтазам ўтказилиб турибди. Шу кунгача 2000 дан ортиқ лекция ўқилди.

Съезд қарорлари пропагандасига бағишланган илмий-оммабоп, ҳужжатли, хроникал фильмларнинг махсус репертуар плани тузилган. Областнинг барча районларида бу фильмларнинг фестивалларги ўтказилиб турибди.

Областнинг Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл каби шаҳар ва районларида, шунингдек Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида маданият университетлари ташкил этилди. Областимиздаги музика мактаблари ҳамда Маннон Уйғур номидаги область театри кўпгина маданият университетини ўз оталигига олиб, уларнинг ишларида актив қатнашмоқда.

Бекобод шаҳар маданият университети (ректори ўртоқ Абдуғаниев)га 300 дан ортиқ киши қатнайди. Уларнинг ярмидан кўпини металлургия заводи ва цемент комбинатининг ишчилари ташкил этади.

Областимизнинг 12 районида бадиий ҳаваскорларнинг драматик тўгараклари асосида халқ талантлари театри вужудга келди.

Областимизда маданий хизматни яхши йўлга қўйган маданий-оқартув муассасалари анчагина. Масалан, Бекобод район, Дзержинский номли колхоз клубида (мудири ўртоқ Ш. Султонов) қишлоқ аҳолисига яхши маданий хизмат кўрсатилмоқда.

КПСС XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини пропаганда қилиш юзасидан Чирчиқ шаҳрининг кутубхоналарида катта ишлар олиб борилаётир. Масалан, 2,5 мингдан кўпроқ китобхонга эга бўлган шаҳар марказий кутубхонасида (мудири ўртоқ Пепельшева) турли тематик кечалар ўтказилмоқда.

Кутубхона ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғлангани. Кутубхона ходимлари ҳар ҳафтада «Ўзбекхиммаш» заводи цехларида бўлиб, янги китоблар ҳақида суҳбатлар ўтказадилар. Кутубхонада Чирчиқ шаҳар ёзувчиларининг адабий бирлашмаси тузилган.

Кутубхонада кўргазмали пропагандага ҳам катта аҳамият берилмоқда. Кутубхона ходимлари ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга катта эътибор бераётирлар. Бунда кутубхонада ташкил этилган коммунистик меҳнат бригадалари бурчаги катта роль ўйнамоқда.

Бироқ, областимизда ўз ишларини колхоз, совхоз ёки муассаса ҳаёти билан боғлаб олиб бормаётган айрим клублар, кутубхона ва маданият уйлари ҳам бор.

Кўпгина колхоз клублари, қишлоқ кутубхоналари қониқарли иш олиб бормаётирлар. Бу, шубҳасиз, мазкур маданий-оқартув муассасалари раҳбарларининг ўз ишларига совуққонлик билан қараб, тажрибали кадрларни жалб этишга жиддий эътибор бермаётганликларидан далолат беради.

Айрим меҳнаткашлар депутатлари район ва қишлоқ советлари ўзларига қарашли маданият муассасаларининг ишлари юзасидан назорат қилиб турмайдилар, уларга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатмайдилар.

Маданий-оқартув ишларни кучайтириш юзасидан область маданият бошқармаси ходимлари ҳали кўп иш қилишлари керак.

З. НАЗАРОВА,
Область маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Суратда: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги академияси чорвачилик институти изотоплар лабораториясининг бошлиғи, олим Д. М. Сладков қора молларнинг физиологик асосларини ўрганиш устида иш олиб бормоқда.

В. Лейзнрович фотоси, (ЎзТАГ).

Янги музика асарлари

Республикамиз композиторлари халқимизнинг юксак эстетик дидига мос келадиган янги музика асарлари яратиш устида самарали ижод қилмоқдалар. Янги-янги йирик музика асарлари яратилмоқда.

Опера жанри композиторларимиз ижодида марказий ўрин тутмоқда. Композитор Собир Бобоев ўзбек халқининг революцион шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодий фаолиятини акс эттирувчи янги опера ёзишга киришди. Ўзининг музикали драмалари ва симфоник асарлари билан тамошабинлар ҳурматига сазовор бўлган композитор С. Бобоев мазкур опера музика тилининг равон ва оҳангдор бўлиши, оркестровкасининг мураккаб тузилишига алоҳида аҳамият бермоқда.

Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмаси асосида «Жамила» номли опера ёзаётган композитор Мутал Бурҳонов уни тугаллаш арафасида турибди. Бу — Ҳамза пьесалари асосида яратилган (С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» асаридан кейинги) иккинчи опера бўлади.

Пойтахт маҳнаткашлари 1960 йилда композитор Седа Бобоеванинг «Зарема» деган операсини тамоша қилишга муваффақ бўладилар.

Атоқли композитор А. Ф. Козловский ўзининг «Улуғбек» операсидан сўнг замонамиз кишилари образини акс эттирувчи янги балет ёзишга киришган эди. Ҳозир у мазкур асар устида ишлаётир.

Мирзачўлни ўзлаштирувчи ватанпарвар ёшларнинг мазмундор ҳаёти талантли ёш композитор Ғ. Қодировнинг «Шодлик байрами» деган балетида ҳикоя қилинади.

Мазкур асарнинг «Балет сюитаси» ўтган йили пойтахт жамоатчилиги муҳокамасига қўйилган эди. Композитор жамоатчиликнинг асар юзасидан берган фойдали маслаҳатлари асосида балет ёзишни давом эттириб, бир қатор ижодий ютуқларга эришди.

Композитор Г. Мушель янги балетини «Гуллар водиси» деб атади. Бу балетга ёзувчи Ш. Рашидовнинг «Кашмир қўшиқлари» асари асос қилиб олинган.

Фаровон ҳаёт, завқли меҳнат, самимий муҳаббат темаларига бағишланган симфоник поэма ва кантаталар ҳам яратилмоқда. Композиторлардан И. Ҳамроев, И. Акбаров, М. Левиев ва бошқалар томонидан ёзилаётган шундай йирик музика жанридаги асарлар ўз мазмуни ва ғоявий йўналиши билан эътиборни жалб қилади.

Шунингдек, композиторларимиз музиканинг оммавий жанри — қўшиқлар яратишга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар.

А. АЛИЕВ.

АҲОЛИГА МЎЛ-КЎЛ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Икки минг тонна сабзавот етиштириш учун курашаётган бригада

Кўмкўк дала енгил шамолда денгиз каби чайқалгандек сезилади. Бир томонда картошка, бодринг, бошқа томонда маккажўхори, лавлаги ва хилма-хил сабзавотлар гуркираб ўсяпти. Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Эргаш Назаров бошлиқ бригадасининг экин майдонига завқ билан қарайсан, киши.

Эргаш ака 18 йилдан буён бригадага раҳбарлик қилади. Ў бригада бошлиғи қилиб тайинланганида фақат 22 гектар ерга экин экар, тури оз, ҳосили кам, даромад эса жуда паст эди. Бригада йириклаштирилди. Ҳозир 80 гектар ерга сабзавот, картошка ва бошқа экинлар экилади. Бригада аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли йилдан-йилга сабзавот ҳосили ошаётир. Ўтган йил бригадада ҳар гектар ердан 18,2 тоннадан картошка, 27,3 тоннадан қовун-тарвуз, 25 ўрнига 61,8 тоннадан қарам етиштирилди, қишлоқ хўжалик йили катта муваффақият билан якунланди. Давлатга 1316 ўрнига 1859 тонна маҳсулот топширилди. Бригада пландан ташқари 542 тонна сабзавот маҳсулотлари йиғиб олишга эришди.

Эргаш ака раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари сабзавотчиликда янги ташаббус—2 минг тонначилик ҳаракатини бошладилар. Бу йил улар ўз бригадаларида 2160 тонна сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириб, 1 миллион 343 минг сўм даромад олиш учун курашмоқдалар. Бригада ҳар гектар ердан 30 тоннадан картошка, 20 тоннадан сабзавот ҳосили етиштириш мажбуриятини олган.

Эргаш Назаров бригадасида бир ердан икки ҳосил олиш яхши йўлга қўйилган. Картошкадан бошқа ҳамма экин орасига иккинчи хил экин экиб, ҳосил олинади. Нуш пиёз йиғиб олингандан кейин ўрнига кечки карам экилди, эртаги карам ўрнига кечки сабзи сепилди. Бу бригадада бурчак, бўш қолдирилган бир қарич ҳам ер бўлмайди. Шундай қилиб бригада бу йил 7 гектардан икки марта ҳосил олади.

Бригадада бу йил эртаги карамнинг ҳар гектаридан 35 тоннадан, 30 тоннадан пиёз, эртаги картошканинг ҳар гектаридан 18 тоннадан ҳосил олди. Бригада маҳсулотларнинг таннархини камайтириш учун ҳам астойдил курашаётир. 6 гектар ерга картошка квадрат-уялаб экилган, экинлар механизмлар воситаси билан парвариш қилинмоқда, қўл меҳнати камаймоқда.

2 минг тонначи Эргаш Назаров бригадасининг аъзолари бошлаган янги ҳаракатга Калинин районидаги колхозларнинг кўпчилик бригадаси қўшилди. Илғор бригада аъзолари социалистик мажбуриятларини бажарсалар, ҳар бир меҳнат кунига 32 сўмдан пул, 6,5 килограммдан картошка, 5 килограммдан сабзавот оладилар.

Карл Маркс номли колхозда Гаганова — Ганишер Юнусов йўлидан бораётган бригадалар сони кўпаймоқда. Ашуров, Ёдгоров, Исломов, Юнусов, Мўминов, Одилов, Мирҳодиевлар шулар жумласидандир. Булар КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан — сабзавотдан юқори ҳосил етиштириш билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада қизитмоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Беда пояларнинг ёз даврида ҳайдалиши ва шу ерларга маккажўхори экишнинг бориши ҳамда ёз даврида беда экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 14 августгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент билан)

Районлар	Маккажўхори экиш учун ҳайдалган беда поя-лари	Беда экишнинг бориши	Райком секретарлари ва райисполком раислари
Оққўрғон	9,4	65,7	Нишонбоев, Камолов
Боёвут	63,4	23,1	Сардоров, Исломов
Бекобод	10,4	3,6	Каримов, Қодиров
Бўстонлиқ	—	—	Ладушкин, Асилбеков
Бўка	8,4	—	Ражабов, Қодиров
Юқори Чирчиқ	10,9	4,2	Иброҳимов, Каримов
Гулистон	18,3	9,5	Укубоев, Умаров
Калинин	17,9	—	Мажидов, Носиров
Қорасув	101,5	—	Муҳамедов, Убайдуллаев
Қуйи Чирчиқ	14,1	5,7	Сотволдиев, Мерганов
Оржоникидзе	28,2	—	Тошпўлатова, Носиров
Пискент	40,1	—	Латипов, Магазов
Ўрта Чирчиқ	22,1	27,3	Исамуҳамедов, Бердиев
Янгийўл	—	—	Юнусов, Тожиев
Чиноз	—	—	Акромов, Қиргизбоев
Сирдарё	—	1,3	Каримов, Аҳмедов
Оҳангарон шаҳри	—	83,0	Батиғин, Лисин

БУГУН КХДР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУНГА 14 ЙИЛ ТЎЛДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси социализм йўлида

Бугун Совет Армияси томонидан Кореянинг япон империалистлари зулмидан озод қилинганлигига 14 йил тўлди. Кореядан колонизаторларнинг ҳайдаб чиқарилиши билан, унинг халқи олдида мустақил, эркин, демократик давлат тузиш сари кенг йўл очилди. Мана шу шонли йўлдан Корея Халқ Демократик Республикаси шонли меҳнат партиясининг раҳбарлиги остида 14 йилдан бери бормоқда.

Жуда бой тарихга эга бўлган Корея учун, 14 йил жуда ҳам қисқа бир даврдир. Бироқ, мана шу қисқа давр ичида ёш Корея Халқ Демократик Республикаси қолоқликдан ривожланиш сари, феодал-мустамлакачилик тузумдан социализм сари катта қадам ташлади.

Корея Халқ Демократик Республикаси ўз бошидан жиддий синовларни ўтказди. Корея тарихида бўлмаган урушни ўз бошидан кечирди ва бу урушда ғолиб чиқди. Америка Қўшма Штатлари бошлиқ 16 империалистик давлат 1950 йили Кореяга ўгриларча бостириб кириб, уч йилдан ортиқ қонли уруш олиб бордилар.

Бироқ Корея Халқ Демократик Республикасининг халқи ва унинг қуролли кучлари агрессорлар олдида бўйин эгмади. Хитой кўнгилли отрядларининг ёрдамида, социалистик лагерь мамлакатлари меҳнаткашларининг актив қўллаб-қувватлаши орқасида Корея халқи душманнинг қуролли ҳужумини даф қилди ва ўз мамлакатининг эркинлигини ва мустақиллигини сақлаб қолди.

Америка ҳукмрон доиралари ва бошқа империалистик давлатлар Корея Халқ Демократик Республикасини ҳали шу вақтгача мустақил давлат сифатида танимасдан келмоқдалар. Бироқ улар танийдими, танимайдими, бундан қатъий назар, КХДР социализм йўлидан ривожланиб бормоқда.

Уруш йилларида вайрон бўлган хўжаликни тиклаш ва уни урушдан аввалги даражадан ошириб юбориш учун Корея Халқ Демократик Республикасига 3-4 йилгина кифоя қилди. Бу соҳада Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва барча социалистик мамлакатларининг қардошларча бегараз берган ёрдами жиддий аҳамиятга эга бўлди.

Совет ҳукумати томонидан берилган маблағларга бир қанча саноат тармоқлари тикланди ва кенгайтирилди. Ким Чак номидаги металлургия заводи, Сендиндаги пўлат қуйиш заводи, Осиёда энг катта Супхунски ГЭСи, Нампходаги рангли металлургия заводи, Синхоридаги цемент заводи, Хиннамдаги кимёвий ўғитлар комбинати, Пхеньяндаги тўқимачилик комбинати ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, бир қанча янги саноат объектлари: ипак-йигирув ва тўқув фабрикаси, гўшт комбинати, балиқ консерва заводи, соляная кислота заводи, трактор-ремонт заводи қурилди.

Бундан ташқари Совет Иттифоқи Корея Халқ Демократик Республикасига ўз кучи ва қурилиш материаллари билан бир қанча саноат корхоналарини ҳам қуриб бермоқда. СССР КХДРга ёрдам бериш учун ўзининг юзлаб мутахассисларини юборди ва корейс мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этди.

Хитой Халқ Республикаси КХДРга кўп миқдорда кўмир, пахта, ғалла, қурилиш материаллари, транспорт воситалари, машина, балиқ овлайдиган пароходлар, қоғоз, халқ истеъмол буюмлари юборди. Шонли Хитой Халқ кўнгиллилари эса уруш тамом бўлгандан кейин ўзларининг шахсий меҳнатлари билан корейс халқига хўжалигини тиклаш, тураржойлар, мактаб, касалхона, темир йўл кўприклари ва ҳоказоларни қуришда ёрдам бердилар.

Шунингдек, Кореяга Болгария, Румния, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Венгрия ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар моддий-техника ва мутахассислар билан катта ёрдам кўрсатди.

Эндиликда Корея Халқ Демократик Республикаси социализм сари шаҳдам қадамлар билан олга бормоқда. 1957 йилдан бошлаб у халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планини амалга оширишга киришди. Бу беш йиллик планнинг асосий вазифаси саноатни ҳамда барча халқ хўжалигини техника жиҳатидан реконструкция қилишга аста-секин ўтишдан, экономикада мустамлакачилик қолдиқларини батамом тугатишдан иборатдир. Бусиз эса иқтисодий ривожланишда мамлакатнинг мустақилликка эришиши мумкин эмас.

Беш йиллик планнинг ёркин истиқболларидан илҳомланган Корея Халқ Демократик Республикасининг меҳнаткашлари беш йилликни муддатдан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборди. Мамлакат меҳнаткашлари, деҳқонлари, инженер ва техниклари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шу асосда планни қисқа муддатда бажариш учун зўр қўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда КХДР матбуотида республика халқ хўжалигининг 1959 йил биринчи ярим йиллик планининг бажарилганлиги тўғрисида статистик ахборот эълон қилинди. Бу статистик ахборот шундан далолат берадики, КХДРнинг беш йиллик плани асосий кўрсаткичлар бўйича ҳозирдаёқ бажарилган. Бу йил биринчи ярим йилликда 1956 йилнинг шу даврига нисбатан давлат ва кооператив саноатининг ялпи маҳсулоти 2,9 марта, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 75 процент кўпайган. КХДР шу йилнинг ўзидаёқ саноат маҳсулотининг асосий турлари: чўян, пўлат, электр қуввати, цемент, кимёвий ўғитлар ва шунингдек, ғалла ишлаб чиқаришни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Япониядан ўтиб кетади.

Тез суръатда ривожланаётган КХДРнинг социалистик саноати республика халқ хўжалигининг эҳтиёжларини тўла таъминламоқда. Мамлакат тарихида унинг корхонасида биринчи бўлиб трактор ва бошқа ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги машиналари, юк автомашиналари, кучли дизеллар, йирик экскаваторлар, тикув машиналари, радиоприёмниклар, велосипедлар, кир ювиш машиналари ва бошқа ҳил машиналар ишлаб чиқила бошланди.

Социалистик саноатнинг тез суръатлар билан ўсиши натижасида йил сайин қишлоқ хўжалиги кўплаб машиналар ва бошқа техникалар олмоқда. Натижада республикада қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш муваффақиятли равишда тугалланди.

Ҳозирги кунда асосан 4—5 йил ичида қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни тугаллаш, 2—3 йил ичида қурғоқ ерларни суғориш вазифаси қўйилди. Мана шундай тадбирлар асосида ғалла, техника экинлари, мева ҳосилини 2—3—4 марта ошириш, бор майдонларини юз минг гектарга кўпайтириш, чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, жун етиштиришни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Яқин вақтларичида республиказинг барча қишлоқлари электрлаштирилади ва радиолаштирилади.

Меҳнат партияси томонидан республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифалар муваффақиятли равишда бажарилмоқда. Ўтган йили республикада қурғоқчилик бўлишига қарамасдан Корея тарихида ҳеч кўрилмаган даражада ҳосил йиғиб олинди. Ғалла етиштириш 3700 минг тоннага етди. Эндиликда республика ўзини озиқ-овқат билан тўла таъминламоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши асосида республика миллий даромади ўсмоқда. Натижада халқнинг моддий ва маиший турмуши кун сайин ошиб бормоқда.

Мана шундай эркин, мустақил ривожланиш йўлидан бутун Корея бораётгани йўқ. Бир мустамлакачи ўрнига иккинчиси ўрнашиб олган унинг Жанубий Кореяда ижтимоий ва миллий зулмнинг занжири ҳамон сақланиб келинмоқда. Америка оккупантлари ва унинг малайи бўлган Ли Син Маннинг реакцион тўдаси Жанубий Корея экономикасини тўла ҳалокатга ва унинг халқини эса қашшоқлик ва очликка олиб келди. Натижада Жанубий Кореядаги кўп завод ва фабрикалар ўз ишларини бутунлай тўхтатиб қўйдилар. Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалиги ҳам мустамлака ва ярим мустамлакачилик шароитидадир. Жанубий Кореяла экин майдонлари Япония империалистлари ҳукмронлик қилиб турган даврига нисбатан 600 минг тенбо (тенбо—0,99 гектарга баравар) камайиб кетди. Ғалланинг ялпи маҳсулоти эса 40 процент камайган. Жанубий Кореяда 6 миллион 600 минг ишсиз бор. Миллионлаб кишилар очликда ва яллангочликда кун кечираётган Жанубий Кореянинг ҳарбий харажати эса давлат бюджетининг 70 процентдан кўпроғини ташкил этади.

Корейс халқининг душманлари КХДРга қарши янги уруш очишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар мустақил Корея Халқ Демократик Республикасини йўқ қилиб, бутун Кореяни Америка монополиясининг қарамлигига, АҚШнинг узоқ Шарқдаги ҳарбий плацдармига айлантирмоқчилар. Шу мақсадда улар бирқанча бор уриниб ҳам кўрдилар. Лекин бундай уринишлар империалистларнинг маглубияти билан тамом бўлди.

Халқимизда шундай мақол бор: «Холва деган билан оғиз чучимайди». Империалистлар тарихий тараққиётнинг ривожланишини тўхтата олмайди. Корея Халқ Демократик Республикаси яшамоқда ва ривожланмоқда. Эндиликда унинг олга қараб ривожланишини ҳеч қандай куч ва тўсиқ тўхтата олмайди.

Я. КАДУЛИН.

———☆ ☆———

Яқинда Пхеньянда янги марказий вокзал қурилиб битди. Вокзал 3 минг 520 квадрат метр майдонни ишғол қилади. Бу ерда пассажирларга маданий хизмат кўрсатиш учун ҳамма қулайликлар яратилган: ресторан, меҳмонхона, ўқув ва кино заллари бор. Суратда: янги марказий вокзал.

А. Воронцов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1959 ЙИЛ 14 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб
Қуйи Чирчиқ	111,8
Юқори Чирчиқ	102,8
Гулистон	101,9
Янгиер шаҳри	100,0
Янгийўл	86,7
Бўстонлиқ	84,5
Бўка	79,3
Оққўрғон	71,9
Боёвут	71,8
Ўрта Чирчиқ	68,1
Сирдарё	65,4
Оржоникидзе	60,3
Бекобод	55,1
Чиноз	54,9
Қорасув	50,7
Калинин	40,5
Олмалиқ шаҳри	32,1
Пискент	31,9
Оҳангарон шаҳри	23,6

——⊙——

Сайрауса Итоннинг совғаси

12 августда СССР халқ хўжалик муваффақиятлари виставкасининг чорва молларни чиқариб юргизадиган майдонида Шортгорн наслидаги уч хўкиз ва уч сигирни топшириш маросими бўлди. Бу моллар СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига американинг машҳур саноат ва жамоат арбоби Сайрус Итон томонидан совға қилинган эди.

Топширилган чорва моллар Итон фермаси подасидан танлаб олинган нусҳалар ҳисобланади. Улар мамлакатнинг наслчилик хўжаликларида молларнинг гўшт сифатларини яхшилаш учун фойдаланилади. (ТАСС).

БУГУН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

Ҳинд халқининг миллий байрами

Бундан 12 йил муқаддам, 1947 йил 15 августда Ҳиндистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Бугун улуғ ҳинд халқи билан бирликда тараққийпарвар инсоният ана шу мустақиллик кунини кенг нишонламоқда.

Ўтмишда ҳинд меҳнаткашларининг қисмати жуда аянчли эди. Англия босқинчилари икки юз йил давомида улкан мамлакатнинг миллий бойликларини таладилар, ҳинд халқини шафқатсиз эксплуатация қилдилар. Жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшган, дунёга донги кетган буюк мутафаккир олимлар, бастакорлар, шоир ва адибларни тарбиялаб етиштирган талантли ҳинд халқи мустамлакачилар ҳукмронлиги даврида жаҳолатда ва қашшоқликда сақланди.

Англия мустамлакачилари барча йўллар билан ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилиб келдилар. Натижада Ҳиндистон саноати кам ривожланган, энг қолоқ мамлакат бўлиб қолган эди. Масалан, 1949 йилда Ҳиндистонда жон бошига кўмир истеъмол қилиш Англиядагига нисбатан 42 марта кам, пўлат—51, нефть—42, электр қуввати истеъмол қилиш эса 80 марта кам бўлган.

Империалистларнинг манфаатларига хизмат қилувчи буржуазия ниятлари ривожлантиришга эса мутлақо йўл қўйилмади... Ҳиндистон Англиянинг саноат моллари сотиш бозорига ва хомашё базасига айлантирилди, у индустриал Англиянинг аграр мустамлакаси бўлиб қолди».

Эрксевар ҳинд халқи ўз ватанининг бундай аянчли аҳволда абадий қолишини сира истамас эди. У миллий мустақиллик ва эркинлик учун зулм-истебдодга қарши мардона курашиб келди. Бу кураш 1947 йилда галаба билан тугалланди. Ўша йили Англия империалистлари Ҳиндистон мустақиллигини танишга мажбур бўлдилар.

Ҳиндистон мустақилликка эришганидан сўнг ташкил топган миллий ҳукумат олдида жуда оғир ва масъулиятли вазифалар кўндаланг бўлди. Маълумки, миллий иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон ҳукумати мустамлакачилик зулмининг оғир оқибатларини тугатиш, миллий саноатни барпо қилиш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини яхшилаш, шунингдек миллий бой маданиятни тиклаш ва ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга киришди.

Ҳиндистон ҳукуматининг мустақил иқтисодий сиёсати ва ҳинд халқининг фидокорона меҳнати туфайли саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳаларида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган ўн икки йил ичида саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми деярлик бир ярим баравар кўпайди. Электр қуввати ҳосил қилиш икки марта, кўмир қазиб чиқариш 25 процент, металл кесувчи станоклар ишлаб чиқариш эса икки баравар ошди. Эндиликда Ҳиндистон фрезер, гидравлика, шлифовка ва билокорлик станоклари, электр двигателлари, трансформатор, дизеллар сингари оғир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга жиддий эътибор бермоқда. Ҳозир мамлакатда ер ислоҳати ўтказилмоқда, кўпгина районларда ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар ҳинд деҳқонларининг тирикчилигини маълум даражада яхшилаши керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мамлакат экономикасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак.

Ҳиндистон ҳукуматининг иқтисодий мустақилликка бўлган интилишини Совет Иттифоқи бошлиқ қудратли социализм лагери қўллаб-қувватламоқда. Совет ҳукумати Ҳиндистон экономикасини ривожлантириш мақсадида Ҳиндистонга бегараз моддий-техника ёрдами кўрсатмоқда. Ҳиндистон Молия министрлигининг маълумотига кўра, шу вақтгача Совет ҳукумати Ҳиндистонга 1 миллиард 233 миллион сўм миқдорида молиявий ёрдам берган. Бу маблағ ҳисобига ўнлаб саноат корхоналари қурилмоқда.

Совет моддий-техника ёрдами ҳисобига, совет-ҳинд мутахассислари ҳамкорлигида қурилаётган Бхилай металлургия заводининг биринчи навбати ишга туширилди. «Бу завод ишлаб чиқарган чўян, — деди Н. С. Хрушчев партия XXI съездида сўзлаган охирги, якунловчи сўзида, — Совет Иттифоқи халқлари билан Ҳиндистон халқларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлигининг символи бўлсин... Бу домнанинг ҳарорати бизнинг улуғ ва тинчликсевар икки халқимизнинг дўстлигини иситсин».

Ҳиндистон республикаси тинчтотув яшаш сиёсатини юргизмоқда. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг халқаро обрў-эътибори ўсмоқда.

Барча совет халқи, республикамиз меҳнаткашлари ҳинд халқини миллий байрами билан табриклайди, унга ватан мустақиллигини мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайди.

Ф. АБДУЛЛАЕВ.

КОРЕЙС ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

13 августда чет эл халқлари билан дўстлик уйида Москва жамоатчилигининг корейс халқи миллий байрамига — Корея Совет Армияси томонидан япон босқинчилардан озод қилинган куннинг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи Президиуми раисининг ўринбосари Т. М. Зуева мамлакатда ўн тўрт йил ичида рўй берган жуда катта ўзгаришлар тўғрисида, корейс халқининг ўз халқ хўжалигини социалистик негизда ўзгартиришда эришган муваффақиятлари ҳақида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Пхеньяндаги Корея-Совет дўстлиги жамияти марказий правлениесига табрик телеграммаси юбордилар. (ТАСС).

Камерун жамоат арбоблари Тошкентдан жўнаб кетдилар

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитетининг таклифига мувофиқ, Камерунинг Совет Иттифоқига келган атоқли жамоат арбоблари — Аккрадаги Умумафрика конференцияси Камерун миллий кенгашининг бош секретари Гумба Исак жаноблари ва Камерун аҳолиси Союзи партиясидан Рабатдаги доимий информация бюросининг масъул секретари Нижавю Никанор жаноблари Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлдилар.

Меҳмонлар ўзбек халқининг ҳаёти билан танишдилар.

Нижавю Никанор жаноблари Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан матбуот ва радио учун берган баёнотида озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган Африка халқларига нисбатан қардошларча муҳаббат туйғуларини изҳор қилганликлари учун Ўзбекистон меҳнаткашларига қизғин ташаккур биллирди.

Меҳмонлар 14 августда Москвага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛ ЕШЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Африка мамлакатлари ва Вест-Индия ёшлари — Венада ўтказилган VII жаҳон ёшлар фестивали қатнашчиларининг бир группаси 14 августда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Меҳмонлар бир неча кун давомида Ўзбекистон йигит ва қизларининг ҳаёти билан танишдилар. Улар Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари, муассасалар ва олий ўқув юртларида бўлдилар, шаҳар атрофидаги колхозларнинг бирига бордилар. Ўзбекистон ёшлари чет эллик дўстларини ҳамма жойда самимий кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Саҳройи Кабирда ядро қуроллари синовларига йўл қўйилмасин!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг баёноти

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети баёнот эълон қилди. Комитет бу баёнотида Африка халқининг Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовларига йўл қўймаслик учун олиб бораётган кураши билан қардошларча бирдам эканлигини билдиради.

Баёнотда бундай дейилади:

«Совуқ урушга ҳотима бериш учун амалий чоралар кўрилаётган ҳозирги пайтда француз маъмурлари Саҳройи Кабирда атом бомбасини синаб кўришга қарор бердилар. Бу қарор бутун жамоатчиликка хавф туғдиради, халқаро вазиятни кескинлаштириш учун қўйилган қадам бўлади, ҳолос.

Бирдамлик комитети Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовларидан воз кечишни Франция ҳукуматидан талаб этаётган Африкадаги тўққиз мустақил мамлакатнинг яқинда бўлиб ўтган конференциясининг қарорини қувватлаб, қуйидагиларни айтади:

Биз, бутун дунё халқлари билан биргаликда, француз маъмурларининг Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовларидан воз кечишларини талаб қиламиз. Биз, барча халқлар ядро қуроли синовларининг зарарли оқибатларидан халос қилинсин, деб талаб қиламиз. Атом қуроли синовларини тўхтатиш ядро энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни узил-кесил тақиқлаш йўлидаги қадам бўлиши лозим. (ТАСС).

ЖАҲОН ДЕМОКРАТИК ЁШЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ V АССАМБЛЕЯСИ

ПРАГА, 13 август. ТАСС мухбири М. Никиточкин хабар беради:

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг V ассамблеяси ўз ишини давом эттирмоқда. Дунёдаги турли мамлакатлар йигит ва қизларининг вакиллари бугун кундузги мажлисда барча қитъалардаги мамлакатларнинг ёшларини ва халқларини қизиқтираётган масалаларни муҳокама қилишни зўр ғайрат ва баланд руҳ билан давом эттирдилар. Европа, Осиё ва Африка мамлакатларининг делегатлари бугунги мажлисда уруш хавфига қандай барҳам бериш кераклиги ва зўр бериб қуроллашишни қандай тўхтатиш ана шу олижаноб мақсадларни амалга ошириш учун, ёшларнинг юрлок истиқболи учун курашда уларнинг буюк кучларини қай тарика яхши ва самарали уюштириш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Б. Бернини ва К. Эшар докладлари юзасидан бўлган мунозарага Ироқ ёшларининг вакили Раҳим Ажина биринчи бўлиб сўзга чиқди. У, Ироқ ёшларининг ватан мустақиллиги йўлидаги курашда кўрсатган қаҳрамонлик зафарлари ҳақида, уларнинг янги ҳаёт қурилишида актив қатнашаётганликлари тўғрисида сўзлаб берди.

Болгария ёшларининг вакили И. Абаджиев сўз олади. У, Болгария ёшларининг қувончли ҳаёти ҳақида гапиради.

Раислик қилувчи Испания ёшларининг вакилига сўз беради. Залда Франко режимига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган Испания йигит ва қизлари шарафига давомли қарсаклар бошланди. Испания ёшларининг вакили ўз мамлакатининг ёшлари қандай оғир шароитда яшаётганлиги ва фашист золимлар тортиб олган ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилаётганлиги тўғрисида гапиради.

Мўғулистон Халқ Республикаси ёшларининг вакили ўз нутқида тинчлик ва озодлик учун курашда ёшларнинг кучларини янада кўпроқ жипслаштириш зарур эканлигини таъкидлади. Шундан кейин раислик қилувчи Ироқ бош министри Абдил Карим Қосимнинг ассамблеяга табрик мактубини ўқиб беради.

Албания меҳнаткаш ёшлар союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Лобоня тинчлик ва тараққиёт учун, ёш авлоднинг бахтли ҳаёти учун курашда Албания ёшларининг бутун дунё ёшлари билан бирдамлиги тўғрисида гапирди.

БИЗ ИМПЕРИАЛИЗМНИ ТАМОМИЛА ТУГАТАМИЗ, ДЕЙДИ ИРОҚ БОШ МИНИСТРИ

БАҒДОД, 13 август. (ТАСС). Бугун Бағдод атрофидаги Рашид лагерида резервдаги офицерлар колледжида офицерларнинг бир группасини чиқариш маросими ва ҳарбий парад ўтказилди. Бу маросимда Ироқ бош министри Қосим нутқ сўзлади. Қосим, жумладан, бундай деди: «Биз империализмни тамомила тугатамиз. Биз феодализм ва реакцияга ҳам тамомила барҳам берамиз».

Бош министр сўзини давом эттириб қуйидагиларни айтди: «Биз ҳозирги вақтда ҳамманинг озодлиги, бахтли ҳаёти ва фаллаб яшнаши йўлидан шаҳдам қадамлар ташлаб олга бормоқдамиз... Биз ҳокимиятнинг чинакам демократик формаларига эришмоқ учун бутун кучимизни сарф қилаётганлигимизга ҳамма ишонч ҳосил қилсин».

Американинг янги сунъий йўлдоши учирилди

НЬЮ-ЙОРК, 14 август. (ТАСС). Кеча Ванденберг ҳарбий-ҳаво базасида Американинг «Дискаверер V» деган янги сунъий йўлдоши «Тор» ракетаси ёрдами билан учирилган. Йўлдошнинг оғирлиги 770 килограмм яқин.

Физкультура ва спорт

Олтинчи зонада

Ўтган ҳафтада мамлакат биринчилиги учун «Б» классида бўлаётган мусобақаларнинг олтинчи зонасида 17 тур ўйналди. Қизғин кураш вазнятида ўтган мусобақалар натижалари қуйидагича бўлди:

«Строитель» (Уфа) — «Спартак» (Фрунзе) — 2:0, «Металлург» (Нижний-Тагил) — «Ҳосилот» (Сталинобад) — 2:1, «Пахтакор» (Тошкент) — «Локомотив» (Челябинск) — 0:1, «Машиностроитель» (Свердловск) — «Памир» (Ленинобад) — 5:1, «Меҳнат резервлари» (Тошкент) — «Металлург» (Магнитогорск) 1:0, «Звезда» (Пермь) — «Колхозчи» (Ашхобад) 5:2.

Шундай қилиб, 17 ўйиндан сўнг 25 очкога эга бўлган «Звезда» (Пермь) футбол командаси олтинчи зонада олдинда бормоқда. 24 очкога эга бўлган «Машиностроитель» командаси иккинчи ўринда, ленинободликлар (20 очко) учинчи ўринда бормоқдалар. 20 очкога эга бўлган «Пахтакор» командаси эса тўртинчи ўринда. Аммо рақиблар дарвозасига киритилган ва ўз дарвозаларига ўтказиб юборилган тўпларнинг нисбати жиҳатидан бу команданинг аҳволи яхши эмас.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

ҚИШЛОҚ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Оққўрғон районида «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти физкультурачилар ҳаракатига раҳбарликни бу мавсумда бирмунча яхшилади. Жумладан, районда футбол ҳаваскорларини тарбиялашга яхши эътибор берилмоқда.

Район футболчилари Юқори Чирчиқ (5:4), Қуйи Чирчиқ (4:1), Олмалиқ (5:4), Янгийўл (3:0), Чиноз (2:1), Янгиер (4:3) футбол командалари устидан галаба қозондилар. Бундай ғалабаларга эришишда ёш футболчилардан Тўхтаев, Ленихов, Сергеев, Мамедов, Темелковларнинг ҳиссаси катта

А. МИРКОМОЛОВ.

. . .

МАКТАБДА СПОРТ ЗАЛИ

Сталин номли 11-ўрта мактаб ҳузурида катта спорт зали қуришга киришилди. У битказилгач, мактабда жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиш учун катта қулайлик туғилади. Спорт залини янги ўқув йилига битказиб, фойдаланишга топшириш учун қурилиш ишлари жадалик билан олиб борилмоқда.

Қ. САРИМСОҚОВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлди. Кундуз соат 3 да Тошкентда 33, областда эса 30-33 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Тошкентда 35-37, областда эса 33-38 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРИНИНГ КУРИГИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги республика касаба союзлари Совети билан бирликда қишлоқ маданий-оқартув муассасаларининг ишини яхшилаш мақсадида қишлоқ маданий муассасаларининг кўригини ўтказишни ташкил қилган эдилар. Июль ойидан бери ана шу кўрик давом этмоқда. У декабрь ойида якунланади.

Кўрик шартларини бажарган ва меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатаётган район маданият бўлимларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпроф-нинг кўчма Қизил байроғи берилади ва улар ёрлиқлар билан мукофотланадилар.

Т. ЗУФАРОВ.

Бугун Ташкентская правда газетасида

Биринчи бетда шаҳарларда, ишчи поселкаларида яшовчи гражданларнинг шахсий чорва моллари боқишини тақиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган. Саҳифада ғўза қатор ораларига ишлов беришни тўхтовсиз давом эттиришга оид бир қанча материаллар бор. Газетанинг бош мақоласи турар-жойлар ремонтини тез ва сифатли ўтказишга бағишланган.

Иккинчи бетдаги материалларнинг ҳаммаси область саноат корхоналарининг тунги сменасида оммавий-сиёсий ишларнинг қандай аҳволда эканлигига бағишланган.

Учинчи бетда Ҳиндистоннинг мустақиллиги кунига бағишлаб мақола берилган. Шунингдек бу бетда СССР халқларининг II спартакиадаси ҳақида, чет эллардан олинган хабарлар бор.

Тўртинчи бет Тошкент область ва республикамиз пойтахти ҳаётидан олиниб ёзилган кўпгина қизиқарли хабар ва мақолалар билан тўлиб чиққан.

Телевизор экранида

15 АВГУСТДА

19.00. «Ажойиб экин» деган мультипликацион фильм.

19.10. Сўнгги ахборот.

19.30. Бадиий фильм-«Тузалмаслар».

20.50. «Ҳиндистон тонги» деган ҳужжатли фильм.

22.00. Халқ куйларидан концерт.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СПАРТАКИАДАСИ

Ўзбекистоннинг давлат байроғи пойтахт стадионлари устида ҳилпирамоқда

МОСКВА, 14 август. **(ЎзТАГ махсус мухбирлари).** Қайси республиканинг спортчилари спортнинг у ёки бу туридан учта биринчи ўринниг бирини эгалласалар, спорт ўйинларидаги традициясига мувофиқ ана шу республиканинг давлат байроғи стадионларга тикилади. Бугун Ўзбекистон ССР нинг давлат байроғи тўртинчи марта кўтарилди. Бу байроқ В. И. Ленин номидаги Марказий стадион устида қилпираб турипти.

Енгил атлетиканинг минг-минглаб ишқибозлари сакраш бўйича дунёнинг энг кучли спортчиларининг спорт мусобақасини тамоша қилдилар. Жаҳон рекордчиси О. Федосеев (Москва), жаҳоннинг собиқ рекордчиси О. Ряховский (Тошкент) ва бошқа моҳир спортчилар биринчи ўринни олиш учун курашдилар. Дастлабки сакрашлар тамом бўлганидан кейин Олег Ряховскийнинг О. Федосеев ва Белоруссия спортчиси В. Горяевдан кейин учинчи ўринни олганлиги маълум бўлди. У 16 метр 12 сантиметр масофага сакради. Ўзбекистон спортчиси финал мусобақаларида натижаларини яхшилаш учун ўзида куч ва ирода топди. У, биринчи марта 16 метр 16 сантиметр, иккинчи марта 16 метр 36 сантиметрга сакради ва 16 метр 54 сантиметр масофага сакраган О. Федосеевдан кейин иккинчи ўринни олди.

Ўзбекистон гимнастикачилари Совет Иттифоқида ном чиқарганлар. Республикамиз машҳур мастерларидан Шамрай, Коновалова, Чуксеева ва бошқа кўп спортчиларни тарбиялаб етиштирди. Булар ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги турли командаларда қатнашмоқдалар. СССР халқлари иккинчи спартакиадаси программаси бўйича ўтказилган мусобақалар республикада талантли гимнастикачиларни тарбиялаб етиштириш учун жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатди.

Лужникидаги Спорт саройи тўрт кундан буён тамошабинлар билан лиқ тўла эди. Улар бутун дунё ва Совет Иттифоқининг энг кучли гимнастикачилари қатнашган кескин ва мароқли курашнинг шоҳида бўлдилар. Ўзбекистон спортчилари бу мусобақаларда ўзларининг юксак маҳоратларини яна бир марта намойиш қилдилар.

Команда составида гимнастикачилардан Хримпач, Афанасьева, Овсянников, Колотилова, Панкратов, Попова, Сиркин, Бабаев, Подлинева ва бошқа кўп кишилар бор эди (команданинг тренерлари Петухов ва Курлянд). Команда олтинчи ўринни эгаллади. Бугун якка биринчилик учун мусобақалар бошланди.

Ўзбекистоннинг классик кураш бўйича полвонлар командаси Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар, Болтиқ бўйи ва Қозоғистон республикалари командаларидан ўзиб, саккизинчи ўринни эгаллади. Бир кишилик эшкакли қайиқда сузишда «Меҳнат» спорт жамиятининг вакили Р. Черкасова мукофот бериладиган олтинчи ўринни олди.

Сузувчиларнинг уч кун давом этган мусобақалари якунлари тўпланди. Ўзбекистон командаси бу мусобақаларда саккизинчи ўринни эгаллади.

Мусобақаларнинг уч даврасидан кейин Ўзбекистон боксёрлари командаси РСФСР ва Ленинград командаларидан кейин учинчи ўринни олди. Спорт мастерларидан А. Топчий ва М. Вайнштейн ярим финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Москва атрофида мерганлик мусобақалари давом этди. Республикамизнинг мерганлари тўққизинчи ўринни эгалладилар.

Ўзбекистон чавандозлари тўққизинчи ўринни олдилар.

«Энергия» спорт майдонида икки кундан буён эркин стилдаги курашлар мусобақаси давом этмоқда. Энг енгил вазндаги биринчи разряд спортчи Абдуллаев бугун москвалик спорт мастери Корюхин устидан, биринчи разряд спортчи Прут қозоғистонлик Байдаков устидан галаба қозонди.

Кечаси спортнинг ўн тури бўйича мусобақалар тамом бўлди. Спортнинг ана шу энг қийин турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда қатнашувчи энг кучли спортчилар орасида Ўзбекистоннинг уч спортчиси бор эди.

Н. МОИСЕЕВ, П. КОНОВАЛОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/VIII да **Оқ нилуфар**, 16/VIII да **Зафар**.

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» — кенг экранли фильм **Сампо**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» — янги киноповесть **Посёлкадаги бегона**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Посёлкадаги бегона**, кеч соат 10 да **Ўрмон атамани**.

Қишки НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), ёзги НАВОИЙ номли — янги бадиий фильм **Асли бундай эди**.

«9 МАЙ» — **Қутлуғ қон** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Посёлкадаги бегона**, кеч соат 9 да **Ота уйи**.

Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида

15 ва 16 августда

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Ҳамро Абдуллаев**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Акбар Мўминов**, солистлардан **Холисхон Қодирова, Тўхта Йўлдошева, Болта Шарипов, Латофат Аҳмедова, Қумри Қодирова, Тошпемир Шарипов, Рихси Баширов, Фахриддин Дўстмуҳамедов, Мурабби Қосимов**лар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

киноустановка экранларига

янги фильмлар чиқаради

ҲАРБИЙ СИР

НОМЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

(**Аркадий Гайдар** повести асосида ишланган)

Сценарий автори — **Л. Соломянская.**

Постановкачи режиссёр — **М. Маевская.**

Оператор — **В. Ильенко.**

Ролларда:

Н. Антонова, А. Федоринов, Серёжа Остапенко, А. Грибов, П. Усовниченко, Д. Капка, А. Капка, А. Теремец, Н. Муравьёв, К. Муҳитдинов, Валерик Овчиников, Вова Смирнов, Витя Яремик-Фёдоров, Вова Кунин, Таня Батурова, Саша Зотовлар қатнашади.

Фильмни Ялта киностудияси 1958 йилда ишлаган.

ЁШ ҚАҲРАМОН

НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ

Сценарий автори — **У Цян.**

Режиссёр — **Ю. Лун.**

Операторлар — **Ча Сянкан, Лу Цзюнь-фу.**

Ролларда:

Ян Сэнь-чан, Гу Дуанлинь, Гао Чжэн, Ван Цзюнь, Чэнь Чжи, Лян Шаньлар қатнашади.

Фильмни Хитой Халқ Республикасидаги «Хайянь» киностудияси 1957 йилда ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри — **А. Лирова**, овоз оператори — **З. Карлюченко.**

Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида

17 августда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

иштирокида

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон радиоси солисти **Карим Мўминов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Эргаш Шукруллаев, Аюб Қодиров**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Акбар Мўминов**, солистлардан **Тўхта Йўлдошева, Холисхон Қодирова, Эргаш Йўлдошев, Қумри Қодирова, Латофат Аҳмедова, Манзура Жувонмардиева, Тошпемир Шарипов, Рихси Баширов, Ғафур Азимов**лар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ТАШПРОДМАШ» ЗАВОДИГА

ҳар хил разрядли токарлар ускуна ремонт қилувчи слесарлар, қолипчилар, шоферлар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар

КЕРАК

Адрес: Островная кўча, 13-уй (3-трамвайнинг «Ассакинская» остановкаси). Телефон — 35-442.

Катартол кўча, 56-уйда турувчи **Йўлдош Тошмуҳамедов**нинг шу уйда турувчи Мунаввар Тошмуҳамедова (Юсупова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 4-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 07287. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1657.